

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



**Наркулов Сухроб, Рахимов Мухсин,  
Норкулов Дусмурат**

**Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий  
ривожланиш стратегияси**

Тиббиёт олий таълим муассасалари магистр  
талабалари учун

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2020

### **Тузувчилар:**

С.Норкулов – Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори

М.Рахимов – Тожикистон Давлат техника университети Фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

Д.Норкулов – Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

### **Такризчилар:**

Б.Т.Тўйчиев – ЎзМУ Миллий ғоя кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

С.Ғ.Алимова – ТГА Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

Ўқув қўлланма Тошкент тиббиёт академияси Илмий услубий кенгашида кўриб чиқилган (18 июнь 2019 йил, 10 - сонли баённома.)

Ўқув қўлланма Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган. (26 июнь 2019 йил, 11 - сонли баённома.)

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 18 августда рўйхатга олинган “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фани бўйича фан дастури асосида тайёрланди. Ўқув қўлланма олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, магистрлари, талаба-ёшлари, бурча шу соҳага қизиқувчиларига мўлжалланган.

## АННОТАЦИЯ

Дунёда, жумладан мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий ходиса ва жараёнларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишида, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг роли каттадир. Ушбу ўқув қўлланма айни пайтда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, ғоявий тарбия самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳамда барча олийгоҳларда, жумладан тиббиёт олийгоҳлари магистратура талабаларига “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанини ўқитилишини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 18 августда рўйхатга олинган фан дастури асосида магистратура босқичида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёев асарларида, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган масалалар, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид кўтарилган масалалар эътиборга олинган холда тайёрланди.

Ўқув қўлланма Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, магистрлари, талаба-ёшлари, бурча шу соҳага қизиқувчиларига мўлжалланган.

## АННОТАЦИЯ

Предмет «Стратегия социально-экономического развития Узбекистана» играет важную роль в понимании и осознанном отношении к функционированию происходящих в мире, в том числе в нашей стране экономических событий и процессов, в предоставлении соответствующих знаний, необходимых для понимания сущности демократизации страны и процессов реформирования экономики на основе принципов рынка.

Данное учебное пособие подготовлена на основе учебной программы, Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, зарегистрированной 18 августа 2017 года, с целью укрепления достижений и дальнейшего повышения эффективности социально-экономического и идеологического воспитания в нашем обществе, а также совершенствования преподавания предмета «Стратегия социально-экономического развития Узбекистана» студентам магистратуры всех ВУЗов, в том числе медицинских, с учетом работ Первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова и Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзияева, в том числе вопросов поднятых в Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан.

Учебное пособие предназначено для преподавателей, магистров, студенческой молодёжи и всех, кто интересуется этой сферой.

## ANNOTATION

The subject “Strategy for the socio-economic development of Uzbekistan” plays an important role in understanding and consciously attending to the functioning of economic events and processes, taking place in the world and in our country, to providing relevant knowledge necessary to understand the essence of the country's democratization and economic reform processes based on market principles.

This study guide was prepared on the basis of the curriculum of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan, registered on August 18, 2017, with the aim of strengthening the achievements and further improving the effectiveness of socio-economic and ideological education in our society, as well as improving the teaching of the subject “Social Strategy - economic development of Uzbekistan” for graduate students of all universities, including medical ones, taking into account the work of the First President of the Republic Uzbekistan I.A. Karimov and President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyaev, including issues raised in the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan.

The manual is intended for teachers, masters, students and everyone who is interested in this field.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” асарида таъкидлаганидек, “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда”<sup>1</sup>. Ушбу муаммолар ва ҳаётнинг ўзи олдимизга қўйган мураккаб вазифаларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари, зиддиятли ва чалкаш хусусиятларини, қонун-қоидаларини, мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир.

Дунёда, жумладан мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий ходиса ва жараёнларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишида, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг роли каттадир. Ушбу ўқув қўлланма айни пайтда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, ғоявий тарбия самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳамда барча олийгоҳларда, жумладан тиббиёт олийгоҳлари магистратура талабаларига “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанини ўқитилишини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 18 августда рўйхатга олинган фан дастури асосида магистратура босқичида

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 10 -бет

Ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини Республикамиз Биринчи Президенти И.Каримов ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёев асарларида ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган масалалар, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид кўтарилган масалалар эътиборга олинган холда тайёрланди.

Ўқув қўлланма Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, магистрлари, талаба ёшлари, барча шу соҳага қизиқувчиларига мўлжалланган.

## **1-мавзу: “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

Режа:

1. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва фаннинг талаба ёшлар онгида илмий дунёқарашни шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясини сингдиришдаги аҳамияти.
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов асарлари ва Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари ва маърузаларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўрганишнинг илмий-услубий аҳамияти.

Инсонларнинг яшамоғи учун зарур бўлган тирикчилик воситалари, хусусан озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ишлаб чиқариш воситалари бўлиши зарур. Улар табиатда истеъмол учун тайёр холда бўлмаганлиги сабабли уларни одамлар ишлаб чиқариши лозим. Агар биз инсон фаровонлигини кенг маънода олиб қарайдиган бўлсак, унда ҳаёт даражаси тушунчаси инсоннинг ҳамма турдаги – моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини ўз ичига олади.

Инсонларнинг эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотлар ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва тармоқларида ишлаб чиқарилади. “Ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш” деганда бутун жамият ёки макроиқтисодиёт миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни тушунилади. Ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши натижасида жами иқтисодий маҳсулот яратилади. Унинг таркибига иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида яратиладиган турли-туман моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар киради.



Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин иқтисодиётда маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан воз кечиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармониға мувофиқ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу муҳим миллий стратегия давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов асарларида узок муддатли стратегик мақсадларға эришиш, яъни замонавий ривожланган давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини тубдан яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим ва устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистонни янада ривожлантириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий омиллари ва бу борадаги вазифалар Президент Ш.М.Мирзиёев асарларида янада бойитилди.

**Фаннинг мақсади:** Талабаларға мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини, ишлаб чиқаришни модернизациялаш йўлида қабул қилинаётган комплекс чора-тадбирларини, босқичма-босқич амалға

оширилиб келинаётган ислохотларнинг туб моҳияти бўйича назарий-амалий билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

**Фаннинг вазифаси:** Фан талабаларни мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар; иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг моҳияти; таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш; чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш; мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларининг таъминланганлиги тўғрисида ҳар томонлама асосланган иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида миллий кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

**Бошқа фанлар билан боғлиқлиги** – “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълимнинг ижтимоийлашуви бўлимида кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашини бойитиш, уларда ижтимоий жараёнларга бўлган маданиятни қарор топтиришнинг назарий ва методологик масалаларини Ҳаракатлар стратегияси билан боғлиқ ҳолда ўқитилади. Фалсафа, иқтисодиёт назарияси, Ўзбекистон тарихи, фуқаролик жамияти, диншунослик каби фанлар билан алоқадор.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси фанига ҳам муайян билимлар тизими хос бўлганидек, унинг ҳам ўзига хос мувзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари мавжуд.

Иккинчидан, унинг бошқа фанлар қатори ўз предмети, объекти, мақсад ва вазифалари бор. Ҳар бир фан олдида қўйиладиган умумий талаблар бу фанга ҳам бевосита дахлдор.

Фаннинг шаклланиши кишилар (халқ, миллат, авлод) амалий фаолиятида ҳамда ўзаро муносабатларида ишонч ва эътиқодга айланишининг намоён бўлиши “бир чизиқли” ягона тартиб, меъёрларга осонликча тушавермайди. Айти пайтда фуқаролар, турли ижтимоий гуруҳлар ёки қатламлар, миллат ва элатларни ўзаро муштарак мақсадлар, ғоялар бирлаштириб турмас экан, улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик ҳам

бўлмайди. Шунинг учун “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг предмети умуман ҳар қандай ғояларнинг шаклланиши, унинг жамият ҳаётига таъсирини эмас, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегиясини мамлакатда кенг жамоатчиликнинг ишончи ва эътиқодига айланиши унинг миллий маданий негизларини кенг жамоатчиликнинг онг ва тафаккурига, интилишлари, хулқ атвори, кўникмаларига айланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт меҳнат фаолиятида намоён бўлиш шарт-шароитларини, омилларини, қонуниятларининг илмий-назарий асосларини ўрганишдан иборат.

Республикаимиз Биринчи Президенти асарларида жамият ривожланиши тўғрисида янги назарий ва концептуал ёндашувнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Бу қарашлар, ёндашувлар И.Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992), “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993), “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” (1995), “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998), “Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” (1998), “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (2000), “Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи” (Илмий-ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашув. 2000), “Юксак маънавият-енгилмас куч” (2008), “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” (2010), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” (2011), “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир” (2015).

И.Каримов “Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”<sup>2</sup> деб таъкидлайди. Демак жамият ривожланиши тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш жамият ривожланиши билан боғлиқ коммунистик ақидалардан воз кечиш замон ўзгаришларини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилади. Ва мавжуд анъанавий қарашларни ўзгартириш билан боғлиқ ғоялар ва қарашлар ўртага ташланади. Натижада жамият ривожланиши тўғрисида мавжуд бўлган анъанавий қарашлар ўзгарди ва булар қуйидагилар:

1) “Жамият”, “жамият ривожланиши” тушунчаларига янгича қараш амалга оширила бошланди. У материалистик диалектика қолипидан, принципларидан халос этилди.

2) Жамият тараққиёти фақат моддий ишлаб чиқаришга боғлиқ деган ғоядан воз кечилиб, янгича қараш асосланди. Формацион қарашдан воз кечилди ва цивилизацион ёндашув амал қила бошлади.

3) Жамият тараққиётига синфий қарашдан воз кечилди. Жамият ривожланишида инсон омилига олий қадрият сифатида қарала бошланди.

4) Жамият ривожланиши инсон онги ва тафаккурига боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор берила бошланди. “Онги ва тафаккур ўзгармаса ижтимоий ҳаёт ўзгармайди” (И.Каримов) деган ғоя илгари сурилди ва илмий асослаб берилди.

5) Жамият иқтисодий негизи ўзгартирилди. Бозор иқтисодиётига асосланган мулкнинг хилма-хиллигига ўтилди.

6) Жамият ривожланиши “Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги”<sup>3</sup> билан боғлиқ қонуниятга амал қила бошлади.

Бу янгича ғоя ва қарашлардаги ўзгаришларни олдинги қарашдан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 10-бет

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. 173-бет.

Халқимизнинг мустақиллигини қўлга киритиши унутилган кўпгина кадриятлар, мерослар каторида янги кадриятларни ривожлантириш зарурий ҳолат қилиб қўйди.

Халқимизнинг маънавиятини тиклашда ва ривожлантиришда миллий тил ва миллий маданият, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғуни, миллий ғурур ва ифтихорни ўстириш катта ўрин тутади.

Биринчи Президентимиз И.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992) асарида мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ Ўзбекистоннинг истиқлолини мустаҳкамлаш ва унинг келгуси тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий (жамият) ривожланишининг қуйидаги тўртта асосий негизини белгилаб берди:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Жамият тараққиёти тўғрисидаги янги концептуал ғоялар Президент Ш.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” (2017), “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” (2017), “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураамиз” (2017), “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” (2017) номли асарларида, БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқи (2017) ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий асослаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фани Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Ўзбекистон халқлари, ўзбек халқи иқтисодий ҳаёти, маънавий – руҳий, маданий мероси, миллий - маънавий кадриятлари билан яқиндан

таништиради, унинг мазмун ва моҳиятини англашга ундайди. Бу уларни миллий-маънавий негизларига таянган ҳолда ривожлантириш, уни кадрлаш туйғуларини шакллантиради, мустаҳкамлайди ва Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қонуниятларини очиб беради.

Фанни ўрганиш миллий ғурур, авлодларга муносиб ворислар бўлиш, улар билан фахрланиш, ўз Ватанининг равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан боғлиқ тафаккурни шакллантиради. Хозирги замон илм-фан ютуқларини эгаллаш, фан ва технологияларини ўзлаштиришга даъват этади. Ватанпарварлик туйғусини оширади. Келажак авлодлар олдидаги масъулиятни оширади. Ўзбекистонни Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эга бўлган мустақил мамлакат сифатида дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга ва нуфузга эга бўлиш учун фидоийлик билан меҳнат қилишга хизмат қилади. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилишида унинг аҳамияти доимо ошиб боради. Бу фан узлуксиз равишда мустақилликни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга шарт-шароит яратади.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
10. Норқулов Д.Т. “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг ўқув-услубий мажмуаси. 2018
11. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: “Наврўз”, 2005.
12. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
13. Хасанов Р. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2019. Ўқув қўлланма.

## **2-Мавзу: Иқтисодий ривожланишнинг назарий асослари**

### **Режа:**

1. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари ҳамда уларнинг фарқли жиҳатлари.
2. Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариялар.
3. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган кенг қўламли дастурларни амалга ошириш асосида иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш.

**Иқтисодий ўсиш** – деганда маълум бир давр мобайнида яратилган товар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши тушунилади. Иқтисодий ўсишнинг

провард мақсади – мавжуд эҳтиёжларни тўлароқ кондириш ва халқ фаравонлигини оширишдан иборат. **Биринчидан**, иқтисодий ўсиш параметрлари миллий иқтисодиётнинг қанчалик тараққиётга эришганлигига баҳо беришда қўлланилса, **иккинчидан**, иқтисодий ўсиш мамлакатнинг ривожланиб тараққий этиб боришини ифодалайди. Демак, иқтисодий ўсиш – мамлакат иқтисодий потенциалининг ортиши, яъни аҳоли эҳтиёжини унинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кўпайиб, яхшиланиб боришидир.

**Иқтисодий ўсиш турлари: Экстенсив ўсиш** – иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақлаб қолинган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади.

Айтайлик маҳсулот ишлаб чиқаришни икки хисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони, малакаси жихатидан таркиби бўйича худди шундай ўзига хос “эгизак” корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади. Масалан, юқоридаги мисолда маҳсулот ишлаб чиқариш икки хисса кўпайтирилганда ходимлар сони, ишлаб чиқариш даромадлари ҳам икки хисса ўсади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш, бир ходимга ҳисоблаганда, яъни меҳнат унумдорлиги аввалгидек қолади.

1) **Интенсив ўсиш** – маҳсулот ишлаб чиқариш миқёсининг кенгайишига ишлаб чиқариш омилларини сифат жихатидан такомиллаштириш, янада тараққий этган меҳнат воситаси ва янада тежамлироқ меҳнат буюмларини қўллаш, ишчи малакасини ошириш йўли билан, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган провард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ортишида ўз ифодасини топади. Маҳсулот ишлаб чиқаришни икки хисса ошириш учун яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб



турган корхонани реконструкция қилиш ва илғор техника билан куроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишига эришиб бориши нафақат аҳолини яшаш даражасининг яхшиланишига, шу билан бирга унинг миллий бойлиги ортишига олиб келади. Миллий бойлик нима?

Миллий бойлик – жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар йиғиндиси. Миллий бойлик аҳоли турмуши моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва натижасидир.

Миллий бойликни ташкил этадиган моддий неъматлар ўзининг ҳосил бўлиши жиҳатига қараб 2 қисмга бўлинади.

- 1) кишилар меҳнати билан яратилган моддий неъматлар;
- 2) ишлаб чиқариш жараёнига тортилган табиий бойликлар.

Табиий бойликлар – жамият тасарруфидаги ер, сув, ўрмон, фойдали қазилмалар ва ҳакозолар.

Миллий бойлик таркибига аҳолининг шахсий мулки, уй рўзғор анжомлари ҳам киради.

Нихоят бойлик кенг маънода жамият эга бўлган номоддий бойликлар (интеллектуал бойлик), маънавий қадриятларни - кишилар тўплаган ишлаб чиқариш тажрибаси, уларнинг потенциали, илмий – техникавий тафаккур ютуқлари, ахборот ресурсларининг маданий бойликларини ўз ичига олади.

Миллий бойлик ҳажмининг кўпайиши – халқ турмуш даражасини оширишнинг зарур шароитидир.

Ўзбекистонда миллий бойлик ҳажмини кўпайтиришнинг шарт-шароитлари табиат ресурсларидан тежамкорлик билан тўғри фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, билим ва тажрибалар тўплашдан иборат бўлади.

**Иқтисодий ривожланиш.** Инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган тирикчилик воситалари, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ишлаб чиқариш воситалари бўлиши зарур. Улар табиатда истеъмол учун тайёр ҳолда бўлмаганлиги сабабли уни инсонлар ишлаб чиқариш лозим.


Демак, ишлаб чиқариш табиат ресурсларини кишилар истеъмолини кондиритишга мослаштириш жараёнидир. Масалан, инсонлар мебелга бўлган эҳтиёжларини кондиритиш учун дарахтларни кесади, ундан хом ашё сифатида фойдаланиб мебел тайёрлайди (ишлаб чиқаради).

Инсонлар меҳнат фаолиятлари доирасини доимо кенгайтириб, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз мураккаблаштириб борадилар. Чунки иқтисодий ривожланишнинг ҳамма муаммолари эҳтиёжларни кондиритиш учун ресурсларни сарф қилиш билан боғлиқдир.

**“Иқтисодий ресурслар”** деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий, инсоний ва инсонлар ишлаб чиқарадиган ресурслар тушунилади.

Инсонларни меҳнат қила олиш қобилияти **“иш кучи”** дейилади. **“Тадбиркорлик лаёқати”** деганда бошқа ресурсларни самарали ишлата олиш қобилиятига эга бўлган инсоний ресурс тушунилади.

**“Ижтимоий ишлаб чиқариш”** деганда бутун жамият ёки макроиқтисодиёт миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ижараёни тушунилади.



Мулкнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

I. **Умумий мулк**- жамоага бирлашган ҳамма инсонларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларига ва шароитларига тенг муносабатда бўлишларини билдиради.

Умумий мулк шакллари;

- 1) Давлат мулки
- 2) Жамоа мулки
- 3) Маҳалла мулки ва х.к...

II. **Кооператив мулк** – ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш учун ўзларининг маблағлари ва меҳнатларини бирлаштирган аъзоларининг умумин мулкидир.

III. **Хусусий мулк** – айрим кишиларнинг ишлаб чиқариш натижаларига ўзиникидек муносабатда бўлишларини акс эттиради. **Хусусий мулк** – турли йўллар билан, масалан, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ёки ижарага олиб, мустақил хўжаликни барпо этиш ёки давлатнинг корхона, фирма, дўкон, ошхона ва шунга ўхшаш объектларни давлат тасарруфидан чиқарилиши натижасида хусусийлаштириб олиш йўли билан ташкил этиш натижасида юзага келади.

IV. **Аралаш мулк** – юқорида кўрсатилган мулк турлари бирлашиши натижасида таркиб топади.

Иқтисодий ривожланиш иқтисодий қонуниятларни ҳаётга татбиқ этиш билан ҳам боғлиқ. Хўш, иқтисодий қонунлар нима? **Иқтисодий қонунлар** – иқтисодий муносабатлар тизимидаги ишлаб чиқариш, тақсимот, айрбошлаш ва истеъмол соҳасида ўзаро боғлиқликда ва алоқадорликда юзага келиб турадиган узвий иқтисодий заруратни тақозо этувчи сабаб-оқибат, алоқа боғланишларидир.

Иқтисодий қонунлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Умум иқтисодий қонунлар амалий тараққиётнинг ҳамма босқичларида иқтисодиётнинг аниқ ижтимоий шаклидан қатъий назар таъсир қилувчи қонунлардир.

Булар жумласига; Меҳнат тақсимоти, жамғариш, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, эҳтиёжларнинг юксалиши, меҳнат турларининг ўрин алмашинуви каби қонунлар киради.

2. Формацион маҳсус қонунлар, бу фақат муайян ижтимоий-иқтисодий тизим доирасида амал қилувчи, шу тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи қонунлардир. Масалан, феодализм, капитализм, социализм... тузумига хос қонунлар.

3. Даврий оралиқ қонунлар иқтисодий муносабатларининг, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг муайян доирасини вужудга келтирган хусусиятларини ифода этувчи ва бу хусусиятлар бир неча ишлаб чиқариш усулига хос бўлиб, уларни бирлаштириб боғлаб туради. Масалан, қиймат қонуни, иқтисодий ўсиш.

Иқтисодий қонунларнинг моҳиятини тўғри тушуниш асосий макроиқтисодий муаммоларни хал этишга қаратилган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва асослашга имкон бўлади.

Жамият ривожланиши ва тараққиётини таъминловчи вазифалар (омиллар, сабаблар).

1) Ишлаб чиқаришнинг (даврийлигига сабаб) секинлашишларнинг олдини олиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш.

2) Мўътадил инфляциянинг мавжудлигини назарда тутувчи баҳоларининг барқарор даражасини таъминлаш.

3) Меҳнат қилишга лаёқатли ва меҳнат қилишни хоҳловчиларни барчасини ишлашини таъминловчи, юқори бандлик даражасига эришиш.

4) Иқтисодий самарадорликка, яъни энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларарга эришишни таъминлаш.

5) Даромадларни адолатли тақсимлашга эришиш. Жамиятдан, бирор бир ижтимоий гуруҳ бошқаларнинг ҳисобига даромад олмаслиги

зарур: бундай ижтимоий барқарорликка жамиятда қоида ва қолиплар йўқ бўлган тақдирдагина эришилади.

б) Юқорида қайд этилган вазифаларни хал этиш натижаси ўларок – яшашнинг юқори даражасига эришиш.

Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариётчилар XVIII аср охирида яшаган А.Смит, Д. Рикардо ва бошқалар давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг ўрни масаласига эътибор қаратган. Бу ғояни биринчи марта А.Смит асослаб берган. Унинг фикрича бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи бозор ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда бозорга тўлиқ мустақиллик бериш лозим.

Хўш, нима учун давлат бозор иқтисодиётини тартибга солишга аралашини зарур?

1) Жамиятда шундай соҳалар борки уларга бозор механизми таъсир эта олмайди. Булар биринчи галда ижтимоий товарлар, яъни жамоа бўлиб истеъмол қилинадиган товар ва бажариладиган хизматлар борки, булар миллий мудофа, транспорт, таълим соҳасидир. Бу соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат ўз зиммасига олади.

2) Бозор механизми ҳал эта олмайдиган муаммолар мавжуд. Улар куйидагилар; атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ишсизлик, инфляция ва бошқалар. Ушбу муаммоларни хал этиш учун давлат аралашуви зарур бўлади.

XX асрнинг 30-йилларига келиб мамлакатда такрор ишлаб чиқаришга хос бўлган зиддиятлар кучайди.

Иқтисодий инқирозларни олдини оладиган, унинг оқибатларини юмшатадиган, инфляция ва ишсизликни бартараф этадиган миллий иқтисодиётни тартибга солиш механизмини XX асрнинг 30-йилларида англиялик иқтисодчи Дж.М.Кейнс асослаб берди. У иқтисодий инқирозлар ва ишсизликни асосий сабаби истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларига истеъмол талабининг етарли даражада эмаслиги деб кўрсатди.

Бунга сабаб, унинг фикрича, даромадлар ўсган сари фойдали неъматларга бўлган талабнинг ўсиш суръатлари пасайиб боради, яъни инсонларда истеъмол қилишга иштиёқ камаяди ва даромадларни жамғариш ҳолати кучайиб боради.

Дж. Кейнснинг фикрича, айти вақтнинг ўзида тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаби ҳам пасайиб боради, чунки фойда қисқариб боради, уни келажакда оладиган даромадларига бўлган ишончи йўқолиб боради. Бундай шароитда у пулни ишлаб чиқаришга қўйишдан юқори фоиз ҳисобига қарз беришни афзал кўради.

Кейнс оммавий ишсизликни муқаррар деб ҳисобламаган ва “режали”, “тартибга солувчи” капитализмни таркиб топиши мумкин деб ҳисоблаган. Бунинг учун эса, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишга аралашшини зарур деб ҳисоблаган. Давлат солиқ тизими ва фоиз меъёрини белгилаб бериши орқали истеъмол қилиш иштиёқига таъсир этиши керак деб ҳисоблаган. Демак, Кейнс давлат ўзининг иқтисодий соҳасида олиб борадиган сиёсати воситасида, жами талаб ва таклифларни бир-бирига мувофиқлаштириши иқтисодиётни таназзул ҳолатидан чиқариш ва кейинчалик барқарорликни таъминлаш керак деган фикрни илгари суради.

АҚШ Президенти Ф.Рузвельт (1939-1945 йиллар) ҳукумат юритадиган иқтисодий сиёсатни ана шу ғоялар асосида ишлаб чиқди ва мамлакатни иқтисодий таназзулдан чиқара олди. Рузвельт амалда бошқаришни марказлаштирди, уларда тафтиш ўтказди, олтинни ташқарига олиб чиқишни тақиқлади, баҳолар устидан давлат назоратини ўрнатди, фермерларга кредит беришни таъминлади.

Назарий жихатдан Кейнснинг қарашлари иқтисодиёт назариясида янги, макроиқтисодиёт бўлими вужудга келишига сабабчи бўлди. Амалий жихатдан эса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Кейнснинг ғоялари (яъни пул - кредит ва молия воситасида жами талабни тартибга солиш) ҳамма ривожланган мамлакатлар иқтисодий – сиёсатининг асоси қилиб олинди. Бу эса, ушбу мамлакатдаги иқтисодиётни даврий тебранишларнинг юмшашига

олиб келди. Ушбу назарияни кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари ўз иқтисодий сиёсатининг янги йўналишига асос қилиб олдилар.

М. Фридман 1974 – 1975 йиллардаги кризислар сабабларини ўрганиб, Америка иқтисодиётини барқарорлаштириш концепциясини ишлаб чиқди. У инфляциянинг олдини олиш учун давлат муомаладаги пул ҳажмини қаттиқ назоратга олишга асосий эътибор қаратди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, ва бошқа бир қанча мамлакатларда концерваторлар йўриқларига асосан иқтисодий сиёсат асосида “самарали – таклиф” – хусусий эркин тадбиркорликни рағбатлантирувчи қоида асос қилиб олинди. Эркин тадбиркорлик фойдали бўлиши учун, фойдадан ва меҳнат даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари пасайтирилди. Кам самарали деб топилган тармоқда давлатни хўжалик ишларига аралашуви камайтирилди. Давлат корхоналарининг бир қисми хусусийлаштирилди. Кўпгина мамлакатларда халқ хўжалигини режалаштириш қисқарди, ижтимоий дастурларни молиялаштириш бир мунча камайди.

Натижада АҚШ ва бошқа мамлакатларда давлат бюджети камомади қисқарди, мамлакатдаги пул миқдори камайди, инфляция суръатлари 3-4 мартага пасайди, иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари ўсди.

Профессорлар П. Самуэльсон ва Н. Нордхаус (АҚШ) ҳозирги замон макроиқтисодий бошқаришни куйидагича тушунтирадилар. Бозор механизми кўпгина соҳаларда баҳо ва ишлаб чиқаришни аниқлайди, айна вақтда давлат солиқ, ҳаражатлар воситаси ёрдамида бозорни тартибга солади. Иккала томон – бозор ва давлат муҳимдир. Уларнинг униси ёки буниси бўлмаган шароитда иқтисодиётни бошқаришга ҳаракат қилиш - бир қўл билан чапак чалишга ҳаракат қилиш билан баробардир. Демак, ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти икки восита бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солинади. Уларни ўртасида мамлакатни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий хусусиятларини инобатга олувчи маълум нисбат бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг мақсади бозор механизмига аралашуви эмас, балки уни нормал

харакат қилиши учун шароит яратишдан иборат. Имконияти бўлган жойнинг ҳаммасида рақобат таъминланиши керак, давлатни тартибга солиш вазифаси эса зарур бўлганда қўлланилиши лозим.

Эҳтиёжларни қондириш учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш ибтидоий жамоа кишисининг энг оддий қуроллар ёрдамида озиқ-овқат топишидан то ҳозирги технологияларнинг ҳуқумронлигигача бўлган тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бундан ташқари, иқтисодий ўсиш, ривожланиш тўғрисида бир қанча назариялар бўлиб, булар қуйидагилар:

**Либерализм** (лот. *liberalis* – эркинлик) – ижтимоий эҳтиёжнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлиши, жамиятнинг эволюцион ривожланиши йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий – сиёсий ва мафкуравий оқим.

Либерализм шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, умуминсоний ахлоқий қадриятлари ва миллий маънавий асосларига таяниш, ғоялар эркинлиги тамойилларининг тарихий тараққиётга мос ўзгаришини ижтимоий сиёсий тизимда кескин зиддиятга бормаслик *либерализмга* хос хусусиятдир.

Либерализм учун бир хил андозадаги, қатъий белгилаб қўйилган ахлоқий меъёр ва қонун – қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун либерализм ғояси жамият сиёсий тизимининг динамик ўзгартиришни зўравонликсиз амалга оширадиган куч ва имкониятларни топишга интилиши билан характерланади. Либерализм асосий тамойили – ҳуқуқлар, имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинликни таъминлашдир.

Либерализм бир томондан, инсоннинг ҳуқуқ ва қадриятларига асосланиши билан ўзида умуминсоний моҳиятини намоён қилади. Жамият ривожланиши натижасида либерализм ғоялари ҳам ўзгариб бормоқда, унинг мақсад ва вазифаларида ички бирлик вужудга келаётир. Улар ҳозирги даврда неолиберализм шаклида намоён бўлмоқда.



Жумладан, Ўзбекистонда эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши либерализм ғояларининг янги томонлари билан бойишини кўрсатмоқда. Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси” нинг ҳаётга жорий этилиши ўзбекистондаги либерализм ғояларининг миллий хусусиятларини намоён қилади.

Замонавий либерализм ўзгаришлардан, сиёсий қарашлардаги радикализмдан воз кечиш, муқобил ғояларнинг мавқеини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, халқаро муносабатларда сиёсий плюрализм тамойилларига амал қилиш, сайлов тизимини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш, турли шаклдаги ҳокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг фуқаролар томонидан назорат қилишга эришиш каби мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади.

**Радикализм** – (илдиз) – сиёсий тузум ва ижтимоий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоя ва ҳаракатлар. У эътироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатни билдиради. Радикализм экстремизмнинг назарий манбаи бўлиб хизмат қилади. Диний ақидапарастлик – радикализмнинг бир кўриниши ҳисобланади.

**Меркантилизм** – меркантилизм тарафдорлари жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат бўлиб, у савдода, асосан ташқи савдода пайдо бўлади ва кўпаяди, деб тушунтиради. Меркантилизм – италянча “mercante” сўзидан олинган бўлиб, “савдогар” деган маънони англатади. Бу оқимнинг намоёндалари: В.Стаффорд, Т.Ман, А.Монкретъен, Жон Лоу, Г.Скаруффи ва бошқалар.

**Физиократлар** – таълимотнинг асосчиси Ф.Кенэ (1694-1774й.) ҳисобланади. У жамиятнинг бойлиги қишлоқ хўжалигида вужудга келади деган ғояни илгари сурадилар.

**Классик сиёсий иқтисод** - бойлик фақат қишлоқ хўжалигида вужудга келмасдан, балки саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам

яратилишини исботлаб берди. Масалан У.Петти (1623-1686 й.) бойликнинг манбаи ер ва меҳнат эканлигини эътироф этган. А.Смит инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир деб кўрсатади. Д.Рикардо қийматнинг турли синфлар даромадлари ва фойданинг ягона манбаи меҳнат эканлигини кўрсатади.

**Маржинализм вакиллари** (marginal – кейинги, қўшилган) – кейинги товар нафлилиги, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориши назарияларини ишлаб чиққан. Кейинги товар нафлилигининг камайиб бориши қонуни бу оқимнинг асосий принципи ҳисобланади. Шунга кўра, нарх харажатга боғлиқ бўлмай кейинги нафлилик асосида белгиланади. Маржинализм асосчилари К.Менгер, Ф.Визер, Е.Бем-Баверк, У.Жевонс ҳисобланади.

**Неоклассик мактаб** асосчиси Альфред Маршалл бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аралашувини чеклаш ғоясини илгари суради. Бозор механизмнинг бузилиши монополиялар вужудга келганда ҳам юз беришини кўрсатади. Функционал боғланиш ғоясини асослайди, бозор нархини белгиловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб ҳисоблайди.

**Кейнсчилик** – ривожланган бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиб туриш зарурлигини асослашга қаратилади. Ж.М.Кейнс “Бандлик фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936 й.) номли китобида бундай тартибга солиш ялпи талабга ҳамда шу орқали инфляция ва бандликка таъсир кўрсатишини асослайди.

**Неолиберализм** (Ф.Хайек, И.Шумпетер, Л.Эрхард) – асосий эътиборни давлатнинг иқтисодиётга аралашувини энг кам даражага келтиришга хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини уқтирди.

**Монетаризм** – (М.Фридман) иқтисодиётни бошқаришни, пул муомаласини тартибга солиш орқали амалга ошириш мумкинлигини асослаб беради.

**Институционализм** – тарафдорлари ( Т.Веблен, Ж.Гелбрейт) фикрига кўра, хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатлар нақадат иқтисодий,

балки иқтисодий омиллар таъсирида вужудга келади. Шу сабабли иқтисодиётга институционал ўзгаришлар орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
7. Норқулов Д.Т. “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг ўқув-услубий мажмуаси. 2018
8. Хужамуродов И.Р. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси (Магистрлар учун ўқув қўлланма). – Тошкент: “Navro`z” нашриёти, 2018. 149 б.

### **3-мавзу. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси**

Режа:

1. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг амалга ошириш концепцияси ва стратегияси ҳамда асосий йўналиш босқичлари.
2. Иқтисодий ислохотлар даврида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг устувор вазифалари.
3. 2017-2021 йилларда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этишнинг устувор йўналишлари.

XX асрнинг сўнгги йиллари жаҳон тарихида янги бир давр бўлиб кирди. Чунки 1990 йилдан бошлаб собиқ социалистик тузумнинг асосчиси бўлган СССР давлати емирила бошланди. Натижада, СССР давлати ўрнига янги ўн бешта мустақил давлат юзага келди.

Собиқ тоталитар социалистик тузум шароитида узоқ йиллар давомида олинган тажриба ҳар бир иқтисодий минтақанинг асосий шароитлари, уларнинг объектив фарқларини эътиборга олмай юритилган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат ҳамда хўжалик юритиш механизмлари инқирозга учраши муқаррар эканлигини кўрсатиб берди. Шуларни эътиборга олган ҳолда республика, янги иқтисодий ислохот жараёнида сиёсий, иқтисодий мустақиллигини кучайтириш борасида иқтисодиёт тараққиётида онгли, тушунган, ўз иқтисодий ҳолатини эътиборга олган туб ўзгаришларни амалга оширди.

Республикамиз бозор муносабатларига ўтишининг назарий асослари ва амалий дастури Биринчи Президент И.Каримовнинг “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992), “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993), “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” (1998), “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”

(1995), “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997) асарларида батафсил баён қилиб берилган.

Жумладан, “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” рисоласида республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодий ислоҳ қилиш борасида тўпланган амалий ва назарий тажрибаларга асосланиб, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш концепциясини асослаб берди.

Бу концепцияга кўра, И.Каримов таъкидлаганидек, “Энг муҳими – ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамики куч-қувват ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак”<sup>4</sup>.

Бунинг учун айрим соҳаларни ўзгартириш йўли билан эмас, балки кенг миқёсда тубдан яхлит иқтисодий ислоҳот ўтказиш орқалигина эришиш мумкин, дейди И.Каримов. Ўша йиллари Республикамиз Марказий Осиёда Ўзбекистонга газ конденсати захираларининг 71 фоизини, нефтнинг 31 фоизини, табиий газнинг 40 фоизини, фойдаланётган гидроэнергетика ресурсларининг 21 фоизи ва Марказий Осиё бўйича етиштирилаётган 2 миллион тонна пахта толасининг 1,5 миллион тоннасини ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикасига тўғри келар эди.<sup>5</sup> Лекин собиқ иттифоқ давлатлари ичида аҳолисининг турмуш даражаси энг паст бўлган давлат эди. Бунинг сабаби Марказ хом ашё базаси сифатида фойдаланган. Шу даврга қадар икки йўналиш: “Капиталистик” ва “Социалистик” йўналиш тан олинган эди. Биринчи йўналиш – капиталистик мулкчилик; иккинчи йўналиш (йўл) – марксизм назарияларига асосланган ижтимоий мулкчилик (яъни давлат мулки) ғоялари илгари сурилган. Лекин бу иккала йўналиш ҳам

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 9-10 бетлар.

<sup>5</sup> Ўша асар.

республика иқтисодиётини ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш олмас эди. Шунинг учун мустақил давлатлар асосан қуйидаги концепцияларга риоя қилишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

**Асосий эҳтиёжлар концепцияси.** Бу концепция аҳолининг энг кам даражада тирикчилигини амалга ошириш, уларни шу билан таъминлашга асосланди. “Мақбул ёки тегишли технология” аҳолини иш билан тўлиқ таъминлайдиган ва маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланишни таъминлайдиган технологияни ривожлантиришга қаратилган.

**“Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш” концепцияси** эса ер ости ва ер усти бойликларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш ва иложи борича бошқа мамлакатларга иқтисодий қарамликни камайтириш, улар ўртасида тенг иқтисодий ҳуқуқлик асосида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

**“Янги халқаро иқтисодий тартиб” концепцияси** мамлакатларни иқтисодий мустақилликка эришиши ва уларда мавжуд бўлган хом ашёлардан халқ манфаати учун унумли фойдаланиш мақсадларини амалга оширишга қаратилган.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинадиган бозор иқтисодиётини асос қилиб олган. Биринчи Президентимиз И.Каримов тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-биридан фарқ қилувчи уч хил ёндашувни кўрсатиб берди.

**Биринчиси:** бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган, ривожланган мамлакатлардаги аралаш иқтисодиётни шакллантириш.

**Иккинчиси:** ривожланган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлар кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётни маданий бозор муносабатларига айлантириш.

**Учинчиси:** собиқ социалистик мамлакатларнинг якка ҳокимлик тартибидан, умумий буйруқбозлик, бошқарув ва марказлаштирилган

рахбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш<sup>6</sup>.

Жаҳон тажрибасига кўра, бозор иқтисодиётига инқилобий ва эволюцион йўл билан ўтиш мумкин. Тажриба эволюцион йўл афзаллигини исботлади.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш андозаларининг ҳам бир неча хиллари мавжуддир.

Масалан: АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Аргентина, Польша андозалари. Булардан, Америка андозасида эркин рақобатчилик катта роль ўйнаса, “Япон” ёки “Француз” андозаларида давлат ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда катта роль ўйнайди. “Швед” ва “Немис” андозаларида эса ижтимоий йўналиш асосий ўринни эгаллайди. Жанубий – Шарқий Осиёдаги Сингапур, Тайван, Гонконг, Жанубий Корея андозалари асосан ўз ишлаб чиқаришларини ривожлантириш эвазига ташқаридан молларни келтиришни камайтириш, чеклаш ва экспортни рағбатлантириш сиёсати билан боғланган.

И.Каримов бозор иқтисодиёти – умумбашарий ходиса бўлиб жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидан бораётган муқаррар босқичдир. Фақат бозор иқтисодиёти халқнинг ижобий ва меҳнат қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ташаббускорликка асосланган ҳолда ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик даражасини оширган ҳолда иқтисодиёт ривожини таъминлайди, деб алоҳида таъкидлайди.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан тежамкорлик асосида фойдаланишни, иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлашни адолатли равишда амалга ошириб, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун шароитлар яратиб беради.

---

<sup>6</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 287 - бет

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда аҳолини, ёшларни, қария ва нафақахўрларни ижтимоий – социал ҳимоялаш сиёсатини олиб боришда давлатнинг ўрни катта.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришда унинг механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Бу вазифани давлат бажаради. Бунинг учун энг аввало мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказди.

Бозор иқтисодиётини чинакам демократия асосида шакллантириш учун монополиячиликка йўл қўймаслик ва истеъмолчиларга тазйиқ ўтказмасликка эришиш лозим. Давлат – корхона ва тижорат тузулмаларининг монопол мавқеилигига йўл қўймаслик, соғлом рақобат шароитларини юзага келтиради ва ишлаб чиқариш воситаларига, истеъмол буюмларига бўлган нарх-наволарни сунъий равишда кўпайишига йўл қўймайди.

Бозор иқтисодиётини демократик усулларда ривожлантириш кичик ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш билан ҳам боғлиқдир.

Фақат демократик асосда ташкил топган бозор иқтисодиёти республика мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлайди.

И.Каримов бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг беш тамойилини ишлаб чиқди ва унинг биринчиси, “Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш” бўлиб, фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг том маънодаги субъектларига айлантириш ва хусусий мулкчиликни шакллантириш назарда тутилади. Чунки фуқароларни ташаббускорлигига ва хусусий мулкка асосланадиган бозор иқтисодиётига жаҳон халқлари билан тенг савдо-сотик алоқалари ўрнатишга, замонавий техника ютуқларидан баҳраманд бўлишга, чет элларда кенг тарқалган тажрибани ўзлаштиришга фирмалар, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар очишга имкон берди. Совет даврида иқтисод комунистик мафкурага бўйсундирилган, натижада иқтисодий эркинлик, ташаббусга йўл қўйилмаган.

Иккинчи тамойил, “Давлат бош ислоҳотчи”, деб номланган бўлиб, ўтиш босқичида давлат манфаатлари устун бўлиши керак. Шу билан бирга



ишбилармонларнинг, аҳолининг манфаатларини ҳам химоя қилиш керак. Давлат ташаббусини ўз қўлидан бериб қўйган республикаларда бошбошдоқлик, коррупция, рекет, давлат мулкни ғайриқонуний ўзлаштириш, бойлик орттириш, ҳокимиятни эгаллаш учун кураш авж олган. Ўзбекистонда кучли давлат барпо этишда ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлашга, динлараро бағрикенгликни таъминлашга эътибор бериб, тинч-тотувликни таъминлашга эришилди.

Учинчи тамойил, “Қонун устуворлигини таъминлаш” бўлиб, қонунга амал қилишни, фақат кучли давлат амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида жамият онгига сингдириш мумкин. Қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шарти халқ ва тараққиёт манфаатларига мувофиқ келадиган қонунларни қабул қилишдир. Давлат институтларини (ташкilotларини), амалдорларни қонунга мувофиқ фаолият олиб боришини фақат кучли давлат йўлга қўйиши мумкин.

Тўртинчи тамойил, “Кучли ижтимоий сиёсат” тамойили бўлиб, жамиятда кескин табақаланишга йўл қўймайди, ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами (ногиронлар, болалар ва б.)ни қўллаб-қувватлаб, уларни янги ижтимоий, иқтисодий муҳитда яшашга тайёрлади, ўргатди.

Бешинчи тамойил, “Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш” бўлиб, мазкур босқичда, яъни ҳозирги кунда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини химоя қилишнинг янги механизмларини яратишга, мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилади. Кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига давлат органларининг фаоллашувини тубдан қисқартириш, режадан ташқари текширишларнинг барча турларини бекор қилиш, Олий Мажлис ҳузурида кичик бизнес ва тадқиқолик субъектларининг ҳуқуқларини химоя қилувчи махсус вакиллик институти ташкил этиш кун тартибига қўйилди.

“Ўзбек модели”нинг асосий устувор хусусиятлари, 1) Ўзбекистон мустақилликка эришгач, нафақат иқтисодий тараққиёт масалаларини, балки миллий давлатчилик асосларини, миллий кадриятларни, халқимиз ўзлиги ва ғурурини қайта тиклаш, ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини табдан янгилаши ва мустақиллик ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритадиган кадрларни тарбиялаш каби масалаларни ҳам хал этиш лозимлиги кўзда тутилган. Шундай қилиб, “Ўзбек модели” иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга, давлат қурилиши, жамиятни демократлаштириш, мулкдорлар синфини хусусан, ўрта синфни шакллантириш, ижтимоий-синфий тузилмани такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатлари сингари бир қатор кенг қамровли ҳаёт соҳаларини қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидир.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамият сари” концепцияси Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг давлатчилик борасидаги тараққиёт йўлимизни акс эттиради.

Ўзбекистон ўз мустақил давлатчилигини қўлга киритганидан сўнг жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни стратегик вазифа қилиб белгилади. Ушбу вазифани амалга оширишда “Кучли давлатдан – кучли жамият сари бориш концепцияси” ишлаб чиқилди. Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб борган сари давлат вазифаларининг нодавлат тузулмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ортиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши кучли жамият асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамиятни бошқариш борасида вазифалар икки йўналишда қайта тақсимлаб борилади. Биринчиси, давлат марказий идораларининг айрим ҳуқуқ ва вазифалари маҳаллий ҳокимиятларга

ўтказилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказилади. Иккинчиси, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий масъулиятини ошириб, давлат ваколатларининг бир қисмини улар зиммасига ўтказилади. Мамлакатимизда бошқарув, жамоатчилик билан алоқадор вазифаларни ўз зиммасига оладиган бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар, турли жамғармалар вужудга келди ҳамда улар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалланинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги аҳамияти каттадир. Республикаимизда жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ортаётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш дегани, давлатнинг кучлилиги йўқолади, дегани эмас. Фуқаролик жамияти қанчалик тараққий топган бўлса, давлатдаги бирдамлик, барқарорлик ва уйғунлик шунчалик мустаҳкам бўлади.

Фуқаролик жамияти - мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим.

Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг тўла назорати ўтказилади, давлатнинг кўпгина вазифалари маҳаллий жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, нодавлат ташкилотларига ўтади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эса умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифалари: мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш кабиларни амалга оширади.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, кооперативлар, ишбилармонлар уюшмалари, клублар ва бошқалар фуқаролик жамиятининг ядросини ташкил этади. Ҳукумат таркибига кирмайдиган минглаб ихтиёрий гуруҳлар нодавлат ташкилотлар деб аталади.

Шундай қилиб, кишилар ўз турмуш тарзларини яхшилаш мақсадида ташкил этган барча турлардаги анъавий уюшмалар, жумладан, спорт мусобақалари, регионал ва маданий уюшмалар фуқаролик жамияти ташкилотлари таркибига киради.

Масалан, ҳозирги пайтда маҳалла қўмиталари, бозор иқтисодиёти конунлари асосида, ўз ишларини ташкил қилишлари учун барча имкониятлар яратилган. Улар олди-сотди, тўй-маърака маросимлари ўтказиш, хашарлар уюштириш, маҳалладаги оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар холидан хабар олиш ишлари билан шуғулланадилар. Улар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиёда IX-XI асрларда ал-Фаробий (870-950), Ибн Сино (980-1037), Беруний (973-1050) каби олимлар ҳам бу масалани ўрганганлар. Масалан, Фаробий моддий неъматларни ҳар бир инсоннинг ахволи ва ишлаб чиқаришда қатнашганлик даражасига қараб адолатли тақсимланишини ёқлаб чиққан.

Абу Райҳон Беруний эса ишлаб чиқаришда ҳар хил меҳнат турларининг ролини тадқиқ этган. Олтин ва кумушни умумий эквивалент сифатида шаклланиш қонуниятларини илмий асослаган.

Алишер Навоий ўз асарларида меҳнатни жамият бойлигини манбаи сифатида таъкидлаган, солиқларга ортиқча аҳамият беришга қарши чиққан, савдонинг ривожланиши, давлат молияси ва баҳоларини тартибга солиш тарафдори бўлган. Давлат арбоби сифатида А.Навоий меҳнатнинг ҳар бир турини келтирган фойдалилиги билан боғлаб иш ҳақини тартибга солиш сиёсатини олиб борган. У иқтисодий ривожланишнинг ҳар қандай зиддиятини ҳукмдорнинг адолатли сиёсат олиб бориши билан хал этиш мумкин деб ҳисоблаган.

Собиқ тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тузуми шароитида сиёсат иқтисодиётдан устун бўлиб, унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берарди. Бу тузумнинг иқтисодий негизини давлат ва колхоз-корпоратив мулкчилик шаклларида иборат умумхалқ мулки ташкил этади. Давлат

асосий ишлаб чиқаришнинг 90 фоизидан ортиғига эгалик қилган бўлиб, иқтисодиётда яккахокимликни ўрнатган эди. Бунинг оқибатида давлат иқтисодиёти, иқтисодий ҳаётни бир марказдан маъмурий буйруқбозлик асосида бошқариб борар эди. Жамият аъзолари ижтимоий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Тадбиркорликни, бизнес билан шуғулланишни қонун билан ман этган эди. Маълумки, шахснинг мулкдор бўлиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ўзи истаган иқтисодий фаолият тури билан эркин шуғулланиш ҳамда шунга мувофиқ чекланмаган даромад олиш ва яхши яшаш имкониятларига эга бўлиш каби ҳуқуқларини амалга ошириш фақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётигина таъминлашга қодирдир.

Демократик жамиятнинг асоси бўлган эркин бозор иқтисодиётининг туб белгилари:

1. Хусусий мулк;
2. Тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;
3. Шахсий манфаат, наф, фойда омилига интилиш;
4. Рақобат;
5. Эркин нарх тизими;
6. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлиги.

Тадбиркорлик эркинлиги – айрим шахслар ва уларнинг уюшмалари, гуруҳларнинг фойда, даромад олиш мақсадида маълум соҳада хўжалик, иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини билдиради.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, унда демократия тамойиллари бўлган иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш орқали иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришга йўналтирилгандир.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи 1991-1994 йилларни ўзига олган бўлиб,

1. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатлари ўрнида юзага чиққан тангликка барҳам бериш ва иқтисодий ва барқарорлаштириш;

2. Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди ва бунинг учун:

а) Ислоҳотларнинг қонуний – ҳуқуқий базасини шакллантириш ва ривожлантириш. Бу даврда (1991-1994) асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини, уй-жойларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилди ва кўплаб қонунлар қабул қилинди;

б) Кичик миқёсдаги хусусийлаштиришни амалга ошириш ҳисобига кўп укладли иқтисодий негизлари яратилди;

в) Ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам берилди, молиявий аҳволнинг барқарорлиги таъминланди ва бир қанча қуйидаги қонунлар қабул қилинди

1. “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги;

2. Янги иқтисодий муносабатларга, мулкчилик муносабатларига мос бўлган, “Ер тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”, “Давлат уй-жойларин хусусийлаштириш тўғрисида”ги;

3. Хўжалик юретишнинг бозор шароитига мос келадиган янги механизмлар, масалан, ширкатлар тўғрисида;

4. Республика халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таъминловчи ҳуқуқий нормалар яратилди. “Ташқи иқтисодий фалоият тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Чет эл инвестицияларини жалб этиш, чет эллик инвесторларни ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”;

5. Инсон ишончини таъминловчи, конституция ва юридик ҳуқуқларни химоя қилувчи, масалан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида (1995-1999):

1. Давлат мулкни дастлабки, кичик миқёсдаги хусусийлаштиришни тугаллаш, мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш;

2. Тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар бериш;

3. Ишлаб чиқаришда макроиқтисодий тартибни барқарорлигини таъминлаш, молиявий барқарорликка эришиш;

4. Миллий валюта Сўмини мустаҳкамлаш;

5. Иқтисодий тартибни тубдан ўзгартириш ва маҳсулот сифатини жаҳон талабига мос келадиган ҳолда яхшилаш;

6. Четдан маҳсулотларни камроқ келтириш эвазига ички тармоқларни ривожлантириш асосида республика иқтисодий мустақиллигини кучайтириш;

7. Ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига аҳоли истеъмол талабини қондириш;

8. Ишлаб чиқаришни бир томонлама ривожланишига барҳам бериш;

9. Ташқи давлатларга маҳсулот чиқаришни кўпайтириш эвазига иқтисодий тартибни мустаҳкамлашни таъминлаш;

10. Меҳнат ресурсларидан унумли ва режали фойдаланишни таъминлаш;

11. Тармоқ ва иқтисодий ҳудудлар ўртасидаги нотенгликни тугатишни таъминлашга эътибор қаратилди.

Натижада, ушбу босқичда а) ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам берилди. б) макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб, 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш йўлига ўтди, с) иқтисодий тартибнинг таркибий тузилишини ўзгартириш ишларини амалга ошириш туфайли республика ёқилғи энергетика ва ғалла мустақиллигига эришди.

Шунингдек, республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати вужудга келди. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, кишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш бошланди ва Президент томонидан иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш юзасидан қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

Биринчидан, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан хал этиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш;

Иккинчидан, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш;

Учинчидан, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, яъни автомобиль йўлларини, каналлар, портлар, кўприклар, аэрадромлар, омборлар, темир йўллар, алоқа, сув билан таъминлаш, маиший ва маданий хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарни қуриш ва бошқалар;

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорни эркинлаштириш;

Олтинчидан, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашувини чеклаб қўйиш.

Ушбу вазифаларни хал қилиш учун Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштиришни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган тадбирлар олиб борилди. Масалан: 2000-2002 йилларда 3117 та тармоқ таркибини белгилаб берувчи йирик корхоналар ижтимоий-маданий объектлар давлат тасарруфидан чиқарилди.

2010 йил 12 ноябрь куни Республика Биринчи Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”



мавзусида маъруза қилди. Маърузада мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз, халқимизнинг эришган ютуқларини холисона баҳолаб, қуйидаги йўналишларни, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берди.

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. 2. Суд-ҳуқуқ тизмини ислоҳ этиш. 3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. 4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. 5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш. 6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Бу концепция давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг янада мутоносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган.

Мамлакатмизда демократик ислоҳотларнинг янги босқичи Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилди.

Бу босқичлар жамият ривожланишида ўзига хос маъно-мазмунга эга ва бу мустақил тараққиёт йўлида амалга оширилган муҳим ўзгаришлар билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Миллий иқтисодийтимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди”<sup>7</sup> деб алоҳида уқтирди. Бугунги кунда мамлакатимиз барча соҳаларида юксалиш, тараққиёт кузатилмоқда, халқимизнинг турмуш

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 44-бет.

фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистон фақат хом ашё етказиб беришга ихтисослашган аграр республикадан саноати жадал ривожланаётган, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Президент Ш.М.Мирзиёев иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация этишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Булар макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш; таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш; хусусий мулкнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш; туризм соҳасини ривожлантириш соҳалари шулар жумласига киради. Шу билан биргаликда бу йўналишларнинг ҳар бири яна ўнлаб муҳим вазифаларни қамраб олган.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

9 Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

11. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Тошкент: Академия, 2007.

12. Саидов А., Мирзо Ғ. Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари. – Тошкент: Vaktriya Press, 2018.

#### **4- мавзу: Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт босқичлари**

Режа:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари.
2. Мамлакатни модернизациялаш жараёнининг мазмуни ва унинг бозор иқтисодётига ўтишни таъминлашдаги роли.

3. Иқтисодий ислохотларнинг hozirги bosқичдаги устувор йўналишлари.

Илмий адабиётларда ижтимоий тараққиётнинг миллий моделлари тушунчаларига тўхталиб ўтилади. “Модел” тушунчаси тараққиёт, андоза, ривожланиш маъносини англатади. Миллий модел тушунчалари замирида муайян минтақа ёки мамлакатлар ижтимоий тараққиётида сиёсий иқтисодий ислохотларнинг қайси йўлдан, қай йўсинда амалга оширилиши билан бир биридан фарқ қилади.

Ҳозирги давр ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг мазмуни, моҳияти, хусусияти ва йўналишларини очиқ бериш асосида ҳар бир халқнинг ўз ривожланиш йўлини, “Миллий модели” ни танлаб олиши катта аҳамиятга эга. Бу масалани Марказий Осиё Республикалари ва дунё мамлакатлари мисолида кўриб чиқамиз.

1. И.Каримов ўзининг 1993 йил ёзган “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойилларини, яъни “Ўзбек модели”ни ишлаб чиқди. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

“Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриш керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш керак;

Иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар ва конверваторлар қаршилигини бартараф этиш шарт;

Учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги

Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар” сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.”<sup>8</sup>

Ҳозирги кунда ҳам бу қоидаларнинг амалга оширилиши давом этмоқда ва республикада ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини чуқурлаштириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни таъминлашда хизмат қилмоқда.

II. Тожикистон Республикаси “Миллий ҳамжихатлик модели”ни қабул қилган. Тожикистон Республикасининг иқтисодий моделида қуйидаги вазифалар устувор қилиб белгиланган бўлиб, булар қуйидагилар:

1. Сохаларни қайта ташкил қилиш орқали иқтисодиёт мустаҳкамлигини таъминлаш;
2. Алюминийни чуқур қайта ишлашни маҳаллий захиралар ҳисобига амалга ошириш муаммосини ечиш;
3. Пахта толасини қайта ишлашни республикада амалга ошириш;
4. Ягона Тожикистон Республикаси миллий хўжалик комплексини яратиш.

2007 йили Тожикистон Республикаси ҳукумати ўн йилга мўлжалланган “Миллий ривожланиш стратегияси”ни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Унга кўра асосий эътибор иқтисодий соҳага, давлат бошқарув тизимини яхшилаш

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 300-301 бетлар.

ва инсон потенциални ривожлантиришга қаратилди. Аммо жаҳонда юз берган молиявий инқироз кўзланган вазифаларни амалга оширишга ва ниҳоясига етказишга халақит берди.

III. Туркменистон Республикаси “позитив бетарафлик” моделини қабул қилган.

Туркменистоннинг янги раҳбарияти Биринчи президенти бошлаб берган “анъанавий, осиевий типдаги жамиятдан янги демократик соҳага ўтиш” йўлини давом эттирди.

Бу йўл куйидагича бўлиб, 1) кўп асрлик анъаналар ва замонавий цивилизация қадриятларини ҳисобга олган ҳолда халқда демократик маданият, қонунга, ҳукуматга, фуқарога ва шахсга қаратилган ҳурмат туйғусини;

2) Ҳар бир шахснинг иқтисодий мустақиллиги асосларини шакллантириш;

3) Кишиларнинг жамиятдаги мавқеи ижтимоий соҳа ва бошқалардан келиб чиқадиган бир-бирига қарамликни бартараф этиш;

4) Ҳар бир оила ва айрим олган ҳар бир кишининг фаровонлигини таъминлаш асосида демократик менталитетнинг реал социал иқтисодий базасини яратиш;

5) Ислоҳотларга “шоковая терапия”сиз иқтисодий йўналтирилган, кишиларда, умуман жамиятда эртанги кунга ишонч уйғотиш. Кўриниб турибдики, Туркменистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий модели умум инсоний қадриятларга ва замонавий демократик тамойилларга асосланган. Унда Туркменистон халқи ҳуқуқлари ва манфаатларини, фаровонлигини таъминлаш асосий мақсад сифатида қайд этилади.

Туркменистон иқтисодий модели суверенитети ва бетарафлигидан келиб чиққан ҳолда Туркменистон халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш, энг муҳим халқаро иқтисодий муаммоларни ечишга кўмаклашиш;

суверенитетига хавф уйғотмайдиган, бетарафлигига халақит бермайдиган хар қандай икки томонлама ёки кўп томонлама иқтисодий алоқалар қилиш;

бошқа давлатларнинг сиёсий мақсадларига хизмат қилувчи иқтисодий тазйикни, ўз қараш ва тасаввурини зўрлаб сингдиришни, иқтисодий блокада, бойкот ва иқтисодий кизиқишларни таҳқирловчи чиқишларда қатнашмасликни ўз ичига олади.

IV. Қирғизистон Республикаси Россия, Ғарб билан “Синхрон ривожланиш (тақлидчилик) модели”ни ишлаб чиқди.

Қирғизистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий-сиёсий ривожланиши аниқ йўналишлар ва тамойилларга эга эмас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида унда Ғарбга айниқса Россиядаги ислохотларга тақлид қилиш устувор бўлган. Бу билан Қирғизистон ўзининг Ғарбона либерал моделга мойиллигини намоён қилмоқчи бўлди.

2010-йилги ижтимоий-сиёсий инқироздан сўнг ички иқтисодий ҳаётда барқарорлик, ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, давлат бошқарувини очиқ қилиш борасида зарур қонунлар, Президент фармонлари қабул қилинди ва республика Президенти жуда мураккаб вазифаларни амалга ошириш зарурлигига эътиборини қаратди. Энг аввало ижтимоий-сиёсий соҳадаги ҳокимият учун ғайриқонуний курашларга чек қўйиш, уруғ-аймоқчилик анъаналарига таяниш иллатидан давлат институтларини холи қилиш, норози “Жанублик” лар билан тил топиши, этник зиддиятлар сабабларини ўрганиб, худудий муаммоларни ечиши, кўшни давлатлар билан кенг интеграцияга киришиб “Абадий дўстлик” шартномасига содиқлигини амалда исботлашга қаратмоқда.

V. Қозоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт модели асосида “Нурли йўл” дастурини ишлаб чиқиш бўлиб турли миллат, элат, қавмларни бирлаштиришга қаратилган.

Қозоғистон Россия кетидан очиқ демократик жамиятни шакллантиришга интилди. 1993-1999-йилларда чоп этилган асарлар,

матбуотдаги бахслар кўрсатадики, сиёсий партиялар, фуқоролик жамияти институтларини барпо этиш, очиқ сайловлар ўтказиш, икки палатали парламент ташкил этиш, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва оммавий-ахборот воситаларини қўллаб – қувватлашга қаратилган ислохотлар жамиятда қизиқиш, бахс-мунозаралар уйғотган. Улар ичида президент ташаббусига салбий муносабатлар ҳам учрайди. 2007-йилги президент сайловидан кейинги жараёнларни Қозоғистоннинг “постиндустрияга ўтиш билан боғлиқ янги босқич” деб атайди. У мазкур босқичдаги ижтимоий-сиёсий тараққиётни: 1. Парламент ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш; 2. Сиёсий партияларни ролини ошириш; 3. Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш; 4. Маҳаллий вакиллик органларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлади деб кўрсатилади.

Қозоғистоннинг иқтисодий тараққиёт модели радикал кўринишга эга. Унда “ Хитой модели” , Турк модели”, “Ғарб либерал модели”, “ Россия модели” изларини кўриш мумкин. Мазкур модел қисман Қирғистон ва Тожикистонга ҳам хос, бироқ улар ичида Қозоғистон “локомотив” ҳисобланади.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-биридан мутлоқо фарқ қилувчи уч хил ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчиси, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш узоқ давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни шакллантириш;

Иккинчиси, ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётини маданий бозор муносабатларига айлантириш;

Учинчиси, собиқ социалистик мамлакатларнинг яккахокимлик тартибидан, маъмурий – буёруқбозлик бошқарув ва марказлаштирилган



раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларигина эмас, балки унниг андозалари ҳам хилма-хилдир. Масалан, “Америкача андоза”да бозор муносабатлари кучли роль ўйнайди, “япон” ва “француз” андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироқи анчагина каттадир. “Немис” ва “швед” андозаларида ижтимоий йўналиш ниҳоятда устувордир. “Туркия”, “Хитой”, “Корея” модели иқтисодий модел бўлиб, бу мамлакатларнинг бирортасида, иқтисодий ислохотлар даврида миллий давлатчиликни, моддий меросни ва она тилини тиклаш сингари масалалар ҳам долзарб бўлмаган, фақат Жанубий Кореяда давлат қурилиши муҳим аҳамият касб этган. Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларининг андозаларида асосий эътибор иқтисодиётни барқарорлаштиришга, бюджет камомадини кескин камайтиришга, илк босқичда нарх-навони эркин қўйиб, кейинчалик таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилди.

Жануби-Шарқий Осиёнинг саноати ривожланган янги мамлакатлари – Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва Гонконгнинг андозаларидаги асосий эътибор импорт моллар ўрнига ўзларига махсулот ишлаб чиқариш стратегиясини ташқи дунёга мўлжалланган экспортни рағбатлантириш билан боғлиқ ички муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Чунки, ижтимоий соҳада ва экспортни рағбатлантиришда етакчи роль ўйнайдиган кучли давлат сақлаб қолингандагина бозор иқтисодиётининг андозаси ўзининг аҳамиятини кўрсатади.

Ижтимоий - гуманитар фанларда кишилик жамияти тараккиётини тушунтиришга қаратилган кўплаб ёндашувлар орасида фармацион, цивилизацион ва модернизацион назариялар мавжуд .

Собик Совет даврида ривожланаётган мамлакатлардаги умумжаҳон ривожланиш тенденциясидаги ижтимоий- иқтисодий ҳамда соціо-маданий тузилмалар коммунистик мафкура билан номувофиқ бўлганлиги туфайли модернизацион парадигма (намуна, модел) тадқиқига рухсат берилмаган.

Бугунги кунда модернизация назариялари ҳам юртимизда кенг ўрганилмоқда.

Модернизация – инглиз тилидан таржима қилинган бўлиб, “замонавийлашув” деган маънони англатади.

Модернизацион парадигма XX асрнинг ўрталарида Европа колониализм сиёсати инқирозга учраб, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кўплаб мустақил мамлакатлар ташкил топган тарихий шароитда шаклланди.

Муайян модернизация назарияси маълум давр тарихий воқелигини акс эттирган. Тарихий воқеликнинг ўзгариши эса модернизация назарияларининг ҳам ўзгаришига ёки трансформациялашувига олиб келган .

Модернизация назариялари шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин .

1.Ориенталистик омиллар (ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий омилларга бўлинади.)

2.Ғоявий назарий омиллар (мафкуравий ва соф назарий омилларга бўлинади)

Ориентализм тушунчаси оламни Ғарб ва ноғарб мамлакатларга ажратган ҳолда Ғарб мамлакатларининг ноғарб мамлакатлар устидан мустамлакасини ўрнатиш мақсадида улар ҳақидаги тадқиқотларга диққатини қаратган. Ориентализм -Шарк ҳақидаги ғарбона концепция деб тушунтириш мумкин.

Ғарчи Ғарбнинг мустамлакачилик сиёсати барҳам топган бўлсада Ориентализм мафкуралари дунёда ғарб ҳукумронлигини ўрнатишга қаратилган функциясини бажаришда давом этмоқда.

Модернизация тушунчасининг турли талқинлари мавжуд. Масалан: П. Штомпка фикрича, биринчидан, модернизация жамиятнинг илгариланма ҳаракати жараёнидаги тараққиётга йўналган барча ижтимоий ўзгаришларни англатади. Инсоннинг ғорлардан чиқиб илк бошпаналарни қуриш, от-аравалар ўрнига автомобиллардан фойдалана бошлаши, ёзув машинкаларини компьютерлар билан алмаштирилиши модернизацияга мисол бўлади;

иккинчиси, модернизация назарияларида қўлланилган маъноларидан келиб чиқишини таъкидлайди.

Модернизация назарияларида кўзда тутилган модернизация тушунчасининг иккинчи маънодаги талқини кам тараққий этган, қолоқ мамлакатларнинг ўзлари билан бир тарихий даврда мавжуд бўлган ривожланган мамлакатларни қувиб етишга қаратилган ривожланиш жараёнларини англатади.

Модернизация назарияларини тўрт босқичга ажратиш мумкин:

1. Мумтоз модернизация назариялари босқичи (XX асрнинг 50-60 йиллари);
2. Эмперик танқидий босқичи (XX асрнинг 60-70 йиллари);
3. Экологик модернизация назариялари босқичи (80 йиллар);
4. Неомодернизация, постмодернизация (80йилларнинг охири 90 йилларнинг боши).

Дастлабки модернизация назарияларига кўра анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш жараёни ўзида инқилобий, мураккаб, тизимли, глобал, давомли, босқичма-босқич, ортга қайтмас, прогрессив каби хусусиятларни намоён қилади.

Хулоса қилиб айтганда, модернизация тушунчасининг тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. 1) Кенг маънодаги модернизация ҳар қандай янгилиниш ва ўзгаришларни англатади. 2)Тор маънодагиси эса бир томондан “замонавийлик” билан айнанлаштирилган “модернизация” Ғарбда XVI асрлардан бошланиб, XIX-XX асрларда ўзининг чўққисига етган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва интеллектуал йўналишлардаги комплекс трансформациялашув жараёнларини, бошқа томондан эса, кам тараққий этган, қолоқ мамлакатларнинг умумий глобал жамият доирасида ўзлари билан бир тарихий даврда мавжуд бўлган ривожланган мамлакатларни қувиб етишга қаратилган ривожланиш жараёнини англатади. Демак, Ўзбекистонда ҳам модернизация ташаббускорларидан қисқа вақт ичида катта муаммоларни ҳал қилиш талаб қилинади:

биринчидан, бутун мамлакат аҳолисини бўлмасада, унинг фаол қисми истеъмол қобилиятини тезкорлик билан ошириш; иккинчидан, ишчи ходимлар қатлами каттагина қисмининг малакасини ошириш, уларнинг фаолиятига интеллектуаллик хусусиятини сингдириш; учинчидан, умумжаҳон кадриятлари билан миллий анъанавий кадриятларнинг ўзаро уйғунлигига эришиш бўлиб, бу уйғунлик таълим тизимида яққол акс этмоғи лозим; тўртинчидан, турли ижтимоий гуруҳ вакиллари ўртасидаги ижтимоий нотенгликни камайтириш; бешинчидан, шахс баркамоллигига эришиш учун реал имкониятларни кенгайтириш орқали мамлакат тараққиётини истовчи кишилар сонини кўпайтириш.

Бугунги замонавий дунёда кўплаб Ғарб ва айрим Осиё мамлакатлари, хусусан “Кичик Осиё аждарлари” Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Тайван ва “Катта Осиё аждарлари” Хитой халқ Республикаси, Малайзия тараққиётнинг постиндустриал босқичига қадам қўймоқдалар.

“Постиндустриал жамият” тушунчаси америкалик олим Дэниел Белл (1919-2011 йиллар) муомилага киритган. Унингча Постиндустриализм даврида билим, ақлий салоҳият хал қилувчи аҳамиятга эга. Бу босқичда юксак ақлий салоҳиятга эга бўлган олимлар, муҳандис ва мутахассислар жамиятнинг етакчи кучи (элитаси) технологик кашфиёт ва ихтироларнинг ижодкорига айланмоғи керак.

Маълумки, ҳар қандай тараққиёт янгича кадриятлар тизими, янгича менталитет ва умуман, муайян ривожланиш фалсафаси ҳамда уни тадбиқ қилишга оид механизмлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Жамиятда муайян диний мафкуравий анъананинг етакчи мавқеи касб этишига қараб шартли равишда Шарқ мамлакатлари модернизациясига қаратилган қарашлар шаклланган. Шундан урта соціо-маданий муҳитни фарқлаш мумкин бўлиб, биринчиси, Хиндуизм дини анъаналари устувор мавқеи касб этган Хинд соціо-маданий муҳити, иккинчиси, Ислом дини анъаналари устувор мавқеи касб этган ислом соціо-маданий муҳити,

учинчиси, Конфуцийчилик анъаналари устувор аҳамият касб этган конфуцийчилик соціо-маданий муҳитдан иборат.

Биринчи соціо-маданий муҳит, Хиндистон миллий озодлик харакатининг асосчиларидан бўлган Махатма Ганди, Ауробиндо Гхош карашлари бўлиб, ўша давр Хиндистон жамиятидаги мураккаб, ўта зиддиятли соціо-маданий вазиятни бартараф қилиш ҳамда мамлакатни мустақил ва барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган ғоялар илгари сурилди. Яъни М.Гандининг “аҳимса” куч ишлатмаслик, бағрикенглик, А.Гхошнинг эса “интегрализм ғоялари”да хинд жамиятидан диний мафкуравий, миллий, табақавий зиддиятларни енгиб ўтган холда хинд жамиятининг озод, эркин ва фаровон тараққиётига эришиш мақсади акс этиб туради. Мазкур ғоялар Хиндистон мустақиллигининг асосини ташкил этади.

Иккинчи соціо-маданий муҳит, араб-мусулмон жамиятини модернизациялашга қаратилган анъанавий ислом соціо-маданий муҳитига замонавий жамият элементларини интеграциялаш, гендер тенг ҳуқуқлилик, кундалик ҳаётдан тортиб фан, таълим, ишлаб чиқариш, давлат бошқаруви, умуман ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида инновацион ёндашув ва технологияларни жорий қилиш, таълим олишдаги жинсий ва диний тўсиқларни бартараф қилиш, илм- маърифат асосида кенг аҳоли қатламининг маънавий интеллектуал савиясини ошириш каби ғояларда акс этди.

Юқорида санаб ўтилган ғоялар Мустафо Камол Отатурк, Исмоил Гаспирали, Абдулла Авлоний, М.Бехбудий, Чўлпон, А.Кодирий, У.Носир Ф.Хўжаев кабиларнинг дунёқарашида ўзининг ифодасини топди.

Масалан: Туркияда амалга оширилган модернизация жараёнларининг асосларини камолчилик мафкураси ғоялари ташкил этди.

Булар қуйидагилар:

1. Халқпарварлик;
2. Республикачилик;
3. Миллатпарварлик;
4. Дунёвийлик;
5. Этатизм(иқтисодиётда давлат назоратининг устунлиги);
6. Ислохотчилик.

Япон модернизация модели асосида эса «Ягона оила—ягона жамоа» тамойили устувор бўлиб, унга кўра, ўзаро муносабатларда ҳамкорлик ҳамжихатликдаги иш фаолияти сингари тамойилларга таянилади. Япон модернизация моделидаги «корпоратив маданият» тамойили замирида катталарга хурмат, ота-она ва сиёсий етакчиларни улуғлаш ғоялари ётади. Бу эса япон жамияти тараққиёти учун фидокорона фаол ҳаракатланиш ғоясига айланиб кетган.

Малайзиядаги модернизация жараёнлари таниқли давлат арбоби ва мутафаккир Махатхир бин Мухаммад номи билан боғлиқ. Унинг қуйидаги фикрини ислом ғоялари асосидаги ислоҳотчилик қарашларидаги бош ғоя сифатида кўрсатиш мумкин. «Қуръон - бу ёвуз кучлардан химояланиш учун бўйинга осиб юриладиган тумор эмас. Оллоҳ ўз ақлини такомиллаштирганларни қўллаб- қувватлайди. Қуръон оятларининг ҳақиқий ва фундаментал маъноларини тўғри тушунмаслик ва тўғри талқин этмаслик мусулмонларга кўплаб бахтсизликлар келтирди, замонавий фанларга эътибор қилмасдан фақат диний китобларни мутолаа қилиш билан чекланиб қолганлигимиз туфайли ислом цивилизациясига катта зарар етказдик ва оқибатда бу дунёдаги йўлимизни йўқотдик». У “Малайзия ислом лойихаси” дастурини ишлаб чиқди ва у Малайзия модернизация модели учун ғоявий асос вазифасини бажарди.

У ўзининг бу қарашлари асосида кечган модернизация борасидаги Малайзия тажрибаси ислом дини ғояларининг демократия ва эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига зид эмаслигини исботлади.

Доктор Мохатхир Мухаммаднинг тараққиёт лойихаси қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига олади:

1. Ирқий мансубликдан қатъий назар аҳоли ўртасидаги қашшоқликни бартараф этиш;
2. Алоҳида иқтисодий фаолият турларида ирқий монополияларни тугатиш (узок йиллар савдо соҳасида хитойликлар монополияси ўрнатилган бўлиб малайлар қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган).

3. Савдо ва технология соҳасида кўникма хосил қилишни назарда тутувчи маданий трансформация

4. Янги ёндашувлар ва янги қадриятларни ўзлаштириш.

Хукумат Малайзияда қулай инвестицион муҳит яратиш учун барча тадбирларни қўллади. Натижада XX асрнинг 80 - йилларига келиб жаҳон бозоридаги электроника маҳсулотларининг тўртдан бир қисми малайзия хиссасига тўғри келган.

2003 йил октябр ойида Малайзия ҳукумати тепа-сига собиқ ташқи ишлар вазири Абдулла Аҳмад Бадавий келди. Унинг модернизация дастури асосини «Ислоҳ ходари» (мўътадил ислоҳ, ислоҳга таянган модернизация) цивилизациялашган ислоҳ ташкил этади.

Бу концепциянинг моҳияти «Куръон» ва ислоҳ цивилизациясининг фундаментал асоси бўлган суннани тиклаш ва модернизация жараёнларида уни қўллаш ғояси ташкил этади.

Абдулла Бадавийнинг «Ислоҳ ходари» («Цивилизацион ислоҳ») концепциясининг моҳияти қуйидаги ун-та тамойилда акс этди.

1. Оллоҳга эътиқод ва унга садоқат; 2. Хукуматга адолатли ва муносиб ишонч; 3. Кишиларнинг мустақиллиги ва эркинлиги; 4. Замонавий билимларни ўзлаштириш; 5. Мувозанатлашган ва кўп ёқлама тараққий этган иқтисодиёт; 6. Барча учун муносиб турмуш тарзини яратиш; 7. Камчилик ва аёллар ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги; 8. Ахлоқий –маданий юксалиш; 9. Атроф-муҳит ҳимояси; 10. Самарадор мудофаа сиёсати.

Мохатхир Муҳаммад таъкидлайдики, «Агар мен ибодат қилишни хоҳласам Маккага бораман, агар мен илм олишни хоҳласам Японияга бораман» У динни давлатдан ажратиш ёки цекуляризация жараёнларини онгли ислоҳ қилишдан бошланганини кўрсатади. Бу эса Малайзияда рўй берган кенг иқтисодий-технологик модернизацияга қарамасдан мамлакат аҳолиси ўзининг диний анъаналари ва маданий асосларини сақлаб қола олиши ҳамда иқтисодиётнинг барқарор тараққий этишига олиб келди.

Абдулла Бадавийнинг «Ислом ходари» («Цивилизацион ислом») концепцияси Ислом мамлакатларида замонавий фан ва технология ютуқларини ислом соціо-маданий муҳити ва анъаналари билан уйғун ҳолда жорий қилиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Мамлакатимиздаги модернизация жараёнлари тарихини ўрганиш XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланиб кенг тарқалган маърифатпарварлик оқими ҳамда жаҳидчилик ҳаракати ғоялари ва фаолияти билан боғлиқ. Масалан, А. Фитрат томонидан 1917 йилда эълон қилинган «Ислоҳот ва Бухоро» асарида Бухоро амирлигини ислоҳ қилишга қаратилган кўплаб ғояларни учратиш мумкин. А.Фитратнинг «Ислоҳот ва Бухоро» сиёсий дастури ёки модернизация лойиҳасининг моҳияти қуйидагича бўлиб, биринчидан, энг бош масала ер-сув муносабатларида ғаллакорларни кафсан (муллаларга тўланадиган солиқ) дан озод этиш, сув чиқарилган ҳукумат ерларини ерсиз аҳолига бўлиб бериш;

Иккинчидан, вақф ерлари Бухорони энг маданий шаҳарга айлантиришда катта роль ўйнаши мумкин, агар ердан олинган фойдага мачит, диний, дунёвий мактаблар тамирланса, кутубхоналар, етимхоналар, касалхоналар камбағаллар учун ошхоналар қуриш;

Учинчидан, Бухоронинг 22 ёшга тўлган аҳолиси ҳарбий хизматга чақирилиши ва беморлар ва ногиронлар бундан озод қилиниши;

Тўртинчидан, барча ишлар учун молия соҳаси керак. Бунинг учун молия вазирлиги ташкил этилиб, солиқлар билан шуғулланувчи бу вазирликка сарой ғазначиси ҳам ҳисоб бериши керак;

Бешинчидан, кўрғонлардаги амалдорлар ички ишлар вазирлиги томонидан тайинлансин, қуйироқдаги аҳоли сайлов билан вазирлар ва ҳукмдорлар суд ишига аралашмаслиги керак.

Олтинчидан, суд ва ҳуқуқ тартибот органлари ишини бир-биридан ажратиш керак. Юстиция ва суд вазирликлари икки босқичда, яъни қуйи ва юқори босқич жорий этилиши лозим;



Еттинчидан, полиция аҳоли ўртасида тинчликни сақлаши лозим. Бу давлат мудофаасидаги муҳим бўлимдир;

Саккизинчидан, бўлғуси ҳукумат йўл ва фойдали қазилмалар ишига эътибор бериши, юрар йўллар тикланиши, автомобил ва темир йўллари қурилиши лозим;

Тўққизинчидан, Россия ва бошқа ҳукуматлар билан бўладиган алоқа учун ташқи ишлар вазири тайинланиши керак. Бу вазир бир вақтнинг ўзида вазирлар советининг раиси ҳам бўлади;

Ўнинчидан, Вазирлар советининг раиси амир фармониغا мувофиқ тайинланади;

Ўн биринчидан, давлат ва вақф мактабларидан ташқари исталган шахс томонидан мактаб очилиши мумкин;

Ўн иккинчидан, аҳоли пунктларида кўча ва йўлларда бозорларда ва.х.к. қиймат белгиланиши учун халқ божларидан коммунал совет органлари ташкил этилиши керак;

Ўн учинчидан, назорат органлари икки босқичдан иборат бўлади:

- 1) ўнта махсус юристлардан ва ўнта халқ вакилларидан иборат босқич;
- 2) Эркин матбуот.

Ўзбекистон Республикасини ислоҳ қилишга қаратилган кенг миқёсли тараккиёт дастурлари, тараккиётнинг «Ўзбек модели», “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», «Ҳаракатлар стратегияси»да ўз ифодасини топган.

Модернизация бутун бошли социумнинг, авваломбор инсон онгининг тизимли янгиланишидир.

Модернизация биринчи босқичи, “Ўзбек модели”нинг қабул қилиниши.

Иккинчи босқичи, 2010 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция”сини қабул қилиниши билан бошланди.

Учинчи босқич, 2017 йил 7 февралдаги Президент фармонида биноан 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини Қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бу соҳада Республикада катта кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, республиканинг худудида кечган модернизация жараёнлари тарихини шартли уч даврга ажратиш мумкин:

1. Жаҳидчилик ҳаракати билан юзага келган модернизация даври босқичи.

2. Истило тузумига мослаштиришга қаратилган конструктив модернизацион лойиха даври.

3. Мустақилик йилларида амалга ошган модернизациялаш даври босқичи.

1991-2000 йилгача бўлган даврда асосий эътибор маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

2010 йил 12-ноябргача бўлган муддатни юртимизда модернизация учун зарурий асослар яратиш даври бўлди дейиш мумкин.

“Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилингандан сўнг том маънодаги модернизация сари илк қадамлар қўйила бошланди.

2016 йил 26-сентябрда Ўзбекистон Республикаси бош вазири виртуал қабулхонаси, 2016 йил 24-декабрдан Президент виртуал қабулхонасига айлантирилди.

Бу эса давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратининг кучайишига шунингдек жойлардаги муаммоларни тезлик билан аниқлаш уларнинг мониторинги ва тахлилини амалга ошириш, шунга кўра давлат дастурларини ишлаб чиқиш, уларни қўллаш имконини юзага чиқарди ва бу Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсишни

таъминлаш, солиқ сиёсатини эркинлаштириш, хусусий бизнес учун қулай шароитлар яратиш, хусусий мулкни химоя қилишни кучайтириш, хусусийлаштиришни янада такомиллаштириш, кооперация алоқаларини кучайтиришдан иборат.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.

8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

9. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўли хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

10. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: “Маънавият”, 2009.

11. Моҳандас Карамчанд Ганди. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

12. Норқулов Д.Т. “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг ўқув-услубий мажмуаси. 2018.

13. Зиқирова Н. Марказий Осиё давлатларида миллий тараққиёт моделлари. – Тошкент: “Тамаддун”, 2017.

### **5-мавзу. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши**

Режа

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари.

2. Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.

3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиши бўйича амалга оширилган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралдаги Фармониға мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ҳамда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” доирасидаги демократик янгиланиш, модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний, изчил ва узвий давомидир. Ҳаракатлар стратегияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётининг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат. Унда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгиланган. Булар - давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритишдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш натижасида юзага келган ҳаётий хулосалар ҳамда яқин истиқболдаги тараққиётимизнинг қисқа ва ўрта муддатга мўлжалланган аниқ стратегияси ўз мужассамини топган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг сифати ва натижадорлигини тубдан ошириш ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, улар амалга оширилиш учун давлат органларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш, фуқароларни безовта қилаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган эзгу ғояни ҳаётга изчил жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниб, давлат дастури ишлаб чиқилди.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий таътиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг 2019 йил маълумотига кўра 90 дан ортиқ қонун ва 2000 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, “Электрон ҳукумат” ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизминини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Хуқукни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, хуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади<sup>9</sup>.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётини муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Иқтисодий соҳада кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини

---

<sup>9</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маъросимидаги нутқи. 2018 йил 31 август. Халқ сўзи.

кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди ва босқичлари белгиланди.

Биринчи босқичда – узоқ муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда – тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда – ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чоратадбирлар кўрилганлиги натижасида кўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.



Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг илмий-назарий асослари қуйидагилар:

1. Дунёда икки омил кураши, яъни кучни ҳурмат қилиш маданияти ҳамда меҳрни, яхшиликни ҳурмат қилиш маданияти амал қилиб келади.

Кучни ҳурмат қилувчи маданият назариётчилари “Натижа воситани оқлайди” тамойили асосида иш тутса, меҳрни ҳурмат қилиш маданияти натижага ҳалол восита орқали эришишни талаб этади. Ўзбекистон меҳрни ҳурмат қилувчи мамлакатдир. Ҳаракатлар стратегиясининг назарий асоси меҳрни давлатнинг устивор сиёсатини ифода этади;

2. Халқ – тарих яратувчиси. Тарих халқ ва унинг фаол, фидокор вакилларининг меҳнати, саъй-ҳаракатлари уларнинг шу йўлда бағишланган умри натижасида яратилади. (Ш.Рашидов, И.Каримов ҳамда мустақилликка эришилгандан кейин минглаб фидоий шахслар, олимлар, ёзувчилар, раҳбарларнинг меҳнатига эъзоз кўрсатилаётганлиги);

3. Ҳаётга позитив қараш назарияси (Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Р.Вайсман. Ҳар бир ёндашувда келажакка яхшилик назари билан, шукроналик билан қараш);

4. Ҳаётга прагматик ёндашув назарияси (ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оқилона ва натижадорлик тамойиллари негизида бошқариш);

5. Маърифатнинг яратувчанлик кучини рўёбга чиқариш назарияси;

6. Дедуктив ёндашув назариясининг амал қила бошлаши;

7. Бошқарувда либерал-демократик ёндашув назариясининг амал қила бошлаши;

8. Ижтимоий, иқтисодий жараёнларга превентив ёндашув назариясининг амал қилиши (Профилактик ёндашувнинг кенгайтиши);

9. Барча ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг адолат ва тўғрилиқ тамойиларига таяниб амалга ошириш назариясини амал қилиши;

10. Давлат манфаатларига нисбатан халқ ва инсон манфаатларининг устуворлиги назариясининг амал қилиши;

11. Ижтимоий муносабатларда консенсус, ҳамжиҳатлик, яқдиллик муҳитининг жорий этилиши бўйича кенг кўламли ижтимоий ҳаракатнинг йўлга қўйилиши;

12. Аҳоли турли қатламлари, хусусан, катта авлод вакиллари ва ёшлар ўртасида ворисийлик муносабатларининг амал қилиши назарияси.

**Ҳаракатлар стратегиясини тўла бажарилиши қандай натижаларга олиб келади:**

1. Кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этилади ва аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифати ошади;

2. Муваффақиятсиз қолақ ишловчи ташкилотлар ёки таълим даргоҳлари қолмайди;

3. Тадбиркорлик фаолияти одамлар орзусидаги ишдан, реал ҳаёт тарзига, ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади;

4. Солиқ тўловчиларнинг умумий миқдори ошади, демакки, иш билан банд аҳоли ҳиссаси кескин кўпаяди;

5. Давлатнинг экспорт салоҳияти кескин кўтарилади;

6. Давлат халққа тўлақонли хизмат қила бошлайди;

7. Ҳар бир ишнинг, соҳанинг у банк, фермерлик, тадбиркорлик бўладими маърифати тўлақонли куч билан ишлай бошлайди. Банк маърифати, фермерлик, тадбиркорлик маърифати таъомилга киради;

8. Ҳар соҳа ўзича эмас, балки ўзаро ҳамжиҳатликда ишлай бошлайди;

9. 2021 йилга келиб ЯИМнинг умумий ҳажмида индустриал маҳсулотлар ва хизматлар ҳиссаси кескин ошади;

10. Одамларда масъулиятлилиқ, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатлилиқ фазилатлари миллий менталитетнинг узвий жиҳатига айланади;

11. Бандликни таъминлаш муаммоси умумжамиат миқёсида ҳал этилади;

12. Уй-жойга эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари ечилади;

13. Жамиятда тўғрилиқ, ҳалоллик, адолатлиқ, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ҳақиқий кадриятларга айланади;

14. Ватанпарварлик маънавий сиёсатнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади;

15. Миллий маънавий ўзликка эгаллик учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади.

Инсон манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ўзида камраб олган мазкур ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилди. Шу мақсадда ҳужжат лойиҳаси турли ахборот майдонларига жойлаштирилди. Маълумотларга қараганда, биргина “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 минг 310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушган. Ана шу тавсиялар асосида Давлат дастурининг 41 банди қайта кўриб чиқилган ва шунинг ўзидаёқ бу ҳужжат том маънода халқ билан мулоқотнинг меваси эканидан далолат беради.<sup>10</sup>

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига киритиш бўйича қарор қабул қилинганидан кўзланган мақсад – давлат аҳамиятига эга долзарб масалаларни комплекс равишда таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик қатламлари, экспертлар шарҳи, фикр-мулоҳаза ва таклифларни ўрганишдан иборат.

Ҳаракатлар стратегияси, ўз моҳият эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бешта устувор йўналишда аниқ муддатга мўлжалланган миллий стратегия ҳисобланади.

---

<sup>10</sup> А.Саидов, А.Бурхонов, Ғ.Мирзо. Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари - Тошкент: Vaktriya press, 2018 йил. 8 – бет.

Ўзбекистонда ташкил этилган Халқ қабулхонасининг дунёда муқобили йўқлигини таъкидлаб, келажакда бу ижобий тажриба кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкинлигига эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида иш бошлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари давлат ва халқ ўртасида муҳим кўприк вазифасини бажармоқда.

Ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги ҳаракатларимизга янада янги шиддатли куч бағишлайди.

2017 йилни Мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида инсон манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ғоя мужассамлигининг ёрқин тасдиғидир.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нуқти. Халқ сўзи. 2019 йил.

9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

10. Саидов А., Мирзо Ғ. Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари. - Тошкент: Vaktriya press, 2018.

## **6-мавзу. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш иқтисодий тараққиётнинг омили сифатида**

Режа:

1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.

2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш. Давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш.

3. Жамоатчилик назорати механизмларини амалда тадбиқ этиш. Фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш.

Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш” деб номланади ва унда қуйидаги масалалар белгилаб берилган: 1) Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш; 2) Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш; 3) Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш. Бу йўналишда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масаласи асосий масалалардан бири қилиб қўйилган. Масалани ечимини топиш учун давлат ҳокимияти тизимида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш алоҳида таъкидланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда “Ўзбекистон халқ демократик партияси”, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - “Ўзбекистон Либерал демократик партияси”, “Ўзбекистон Экологик партияси” фаолият кўрсатмоқда.

“Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун” деган эзгу ғояни ҳаётга изчил жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди ва Давлат дастури қабул қилинди. Дастурнинг 2-банди ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Эндиликда ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганмоқда ва атрофлича таҳлил қилмоқда. Ўрганилган ҳудудлардаги раҳбарлар ҳисоботи халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритилиб, тегишли хулосалар берилмоқда.

Давлат дастурининг 6-бандида “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришдир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз маърузасида давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролига танқидий қараб “ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади”<sup>11</sup> – деб алоҳида таъкидлаб, камчиликларини кўрсатиб берди ва яхшилаш учун ўзининг қуйидаги тавсияларини берди:

- қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш;

- ҳар йили бир маротаба сиёсий партиялар раҳбарларининг Президент билан учрашувини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

- Олий Мажлис ҳузурида қонунчилик муаммоларини ўрганиш институтини ташкил этиш ва бу институт парламент аъзоларининг буюртмасига асосан ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий тажриба бўйича таҳлилий муаммолар йиғиб, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари билан шуғулланиш;

---

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак / Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракат вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 13 июнь

- Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда депутатлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

- Парламент назорати объектлари доирасини кенгайтириш мақсадида “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Олий Мажлис Сенатида барча даражадаги ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳақида ҳисоботларини эшитиш амалиётини йўлга қўйиш;

- Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторларини маънавий ва моддий рағбатлантиришга доир низомни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

- Депутатлар ўз фаолиятини яқунлаганидан кейин уларни аввалги лавозимига нисбатан бир поғона юқори бўлган вазифага тайинлаш тартибини барча бўғиндаги депутатларга жорий этиш;

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари, Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиялар тузиш.

Буларнинг барчаси ҳар бир партиянинг ҳақиқий қиёфаси ва позициясини аниқ намоён этишда муҳим ўрин тутди. Президентимиз юқоридаги маърузасида яна бир маротаба қайд этиб, “Ислоҳотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир”<sup>12</sup> деб уқтирди.

Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг муҳим масалалари қаторида давлат хизматлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг муносиб ижтимоий таъминот тизимини яратиш, мансабдор шахслар жавобгарлигини ошириш мақсадида:

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 21-22 бетлар.



биринчидан, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш;

иккинчидан, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият даражасини аниқ белгилаш;

учинчидан, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан фойдаланиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш;

тўртинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш;

бешинчидан, давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш зарурлиги уқтирилади.

Президентимиз яна ўша мурожаатномада таъкидлайдики, “Бу энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир. Масалан, ҳозирги вақтда 64 лицензия тури мавжуд бўлса, шундан 21 таси Вазирлар Маҳкамаси ва 40 таси марказий идорлар томонидан берилади. Бу лицензияларнинг учтаси вилоят хокимликлари ва фақатгина биттаси туман хокимликлари ваколатига тегишлидир.

Рухсат беришга оид 220 та хужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарлардан олиш мумкин. Қолган 209 таси учун республика ва вилоят органларига мурожаат қилишга тўғри келади.”<sup>13</sup>

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ўнга яқин, жумладан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунлари қабул қилинган. Натижада фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини юзага

---

<sup>13</sup> Ўша асар. 31-бет.

чиқариш, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ахборот борасида хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини муҳофаза этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозирги кунда бу қонунлар Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида янада такомиллаштирилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида 320 та комплекс тадбир кўзда тутилган.

Бундай мақсад, юртдошларимизнинг ҳаётий муаммоларини бартараф этиш, шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириш, одамларнинг турмуш сифатини янада юксалтиришдан иборат.

Айни шу чора-тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда катта. Оммавий ахборот воситалари Ҳаракатлар стратегияси маъно-мазмунини чуқур талқин этиш билан бир қаторда, унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ҳам фаол иштирок этишни тақазо этади.

Бугунги кунда бир қатор миллий веб-сайтлар ва ахборот порталлари, телерадиоканаллар, шунингдек, анъанавий оммавий ахборот воситалари Ҳаракатлар стратегияси билан боғлиқ мавзуларни доимий равишда ёритиб бораётганини таъкидлаш лозим. Бунда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар билан бир қаторда “Тараққиёт стратегияси” маркази, Халқаро пресс-клуб сингари янги ташкил этилган фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатмоқда. Истиқлолга қадар Ўзбекистонда 395 та Оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 1 минг 500 тадан ошган.

Энг муҳими, нодавлат оммавий ахборот воситалари миллий ахборот майдонида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бормоқда. Барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани кўрсатадики, миллий оммавий ахборот воситалари таркиби тубдан ўзгармоқда.

1991 йилгача юртимизда 1 та телеканал ва 2 та радиоканал фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда хусусий теле ва радиоканалларни қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий сони қарийб 100 тани ташкил этмоқда.

Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомида умумий эфир вақти 616 соат бўлиб, истиқлолга қадар ушбу рақам 48 соатга тенг бўлган. Яқинда кечаю кундуз фаолият олиб борадиган “O`zbekiston 24” телеканалли фаолият юрита бошлади.

Юртимизда анъанавий матбуот воситалари бўлган газета-журналлар, телерадиоканаллар билан бирга замонавий медиа тармоқлари ва Интернетдан фойдаланиш имкониятлари кенг яратилган.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг китобга, ноширлик ва матбаа соҳасига бўлган эътибор янада кучайди. 1991 йилга қадар республикамизда атиги тўққизта нашриёт фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 118 тага етди. Мустақилликкача бўлган даврда 149 та матбаа корхонаси мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда бундай корхоналар 1 минг 760 тага етди. Бу эса йилига 7 та тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этиш имконини бермоқда.<sup>14</sup>

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бугунги кунда Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган масалаларни ёритишда улкан салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради.

Давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари мавжудлиги, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифалар

---

<sup>14</sup> А.Саидов, А.Бурхонов, Ғ.Мирзо. Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари - Тошкент: Vakriya press, 2018 йил. 72-73 бетлар.

такрорланиши, давлат органлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси йўқлиги сабабли ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги натижасида маҳаллий ҳокимиятлар ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилиш, вазиятни яхши тарафга ўзгартириш учун амалда реал ваколат ва ресурсларга эга бўлмаслигига олиб келаётганлиги сабабли маъмурий ислохотлар ўтказилмоқда.

2017 йилнинг 8 сентябрида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Концепция мамлакатда принципиал жиҳатдан янги давлат бошқаруви моделини яратишга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Биргина 2017 йили давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш соҳасида учта қонун – “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонунлар, Президентнинг 34 Фармон ва Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 43 та Қарори қабул қилинди. Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди.

Агар 2016 йилнинг 1 сентябрида 47 та давлат бошқаруви органи фаолият юритган бўлса, бугун улар сони 62 тага етди. 40 га яқин давлат идоралари фаолияти қайта кўриб чиқилди. Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, ушбу идораларнинг фаолияти тўғрисида янги низомлар тасдиқланди. Бундай кенг миқёсда давлат органларини ислоҳ қилиш, дунё амалиётида камдан-кам кузатилган. Масалан, Франция ҳукуматида 16, Норвегияда 15, Германияда 14, Нидерландияда 12, Швейцарияда 7 та вазирлик мавжуд. Аммо ушбу мамлакатларда жуда кўплаб давлат тузилмалари вертикал бошқарувга интеграциялашган, яъни муайян вазирлик таркибида фаолият юритади. Масалан, Буюк Британия ҳукуматида 25 та

вазирлик бўлиб, улар таркибига 392 та турли агентлик ва бошқа давлат идоралари киради.<sup>15</sup>

Бизнинг мамлакатимизда мактабгача таълим вазирлиги тузилгунча болалар боғчалари Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик, шунингдек, хокимликлар ва бошқа давлат бошқаруви органлари қарамоғида бўлган. Фарзандларимизни мактабгача таълимга қамраб олиш атиги 25 фоизни ташкил қилар эди. Тарбиячиларнинг касбий тайёргарлиги ҳам ота-оналарда эътирозларга сабаб бўлаётган эди. Вазирликнинг ташкил этилиши билан вазият тубдан ўзгарди.

Ҳозирги кунда хокимликларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайди ва ҳудудларнинг молиявий мустақиллиги мустаҳкамланди. Хокимликлар эндиликда маҳаллий бюджетни мустақил тасарруф этишмоқда, чет эллик инвесторлар билан 10 миллион долларгача бўлган миқдорда шартномалар тузишмоқда. Бу эса хокимларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги масъулияти ошишига таъсир кўрсатмоқда.

Тошкентда ҳуқуқий эксперимент сифатида бошқарувнинг алоҳида тартиби жорий этилди. Шаҳар хокимига ҳудудий давлат органлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш бўйича янада кўпроқ ваколатлар берилди.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини оширишда юқори малакали халқаро юристларни тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади. Тошкент давлат юридик университетида Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази тузилди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи 2017-2021 йилларга мўлжалланган. Жараён ҳали тугамаган бўлса-да, кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Бугунги кунда барча давлат қарорлари, биринчи навбатда аҳолимиз манфаатлари йўлида қабул қилинишига эришилди.

---

<sup>15</sup> Халқ сўзи. 2018 йил 18 ноябр

2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилиб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида 2018 йилда мамлакатимиз миқёсида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди<sup>16</sup>. Бу йилда юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларида муҳим ўзгаришлар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабр куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди. Бу мурожаатномада 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилди.

Республика Президенти Мурожаатномада, биринчидан, парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш;

иккинчидан, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усуллари кенг қўллаш;

учинчидан, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматида малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш;

тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини янада ошириш;

бешинчидан, халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш вазифаларини белгилаб берди. бу эса мамлакатимиз миқёсида янги ютуқларни қўлга киритишда пойдевор бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>16</sup> “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили Давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

8. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак / Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракат вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 13 июнь

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

### **7-мавзу. Қонун устуворлигини таъминлаш иқтисодий тараққиётнинг омили сифатида**

Режа:

1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш.

2. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш.

3. Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” деб номланади ва унда қуйидаги масалалар белгилаб берилган: 1) Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш; 2) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; 3) Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш; 4) Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш; 5) Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш; 6) Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Бу соҳада белгиланган вазифалар қуйидагилар:

биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;



иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш;

учинчидан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш;

тўртинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;

бешинчидан, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни мустаҳкамлаш;

олтинчидан, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазкур йўналишида қабул қилинган муҳим норматив ҳужжатлар қуйидагилар:

- “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон (21 февраль 2017 йил);

- “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонун (29 март 2017 йил);

- “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун (29 март 2017 йил)

- “Ўзбекистон Республикаси судьялар Олий Кенгаши тўғрисида”ги Қонун (12 апрель 2017 йил);

- “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунлар (12 апрель 2017 йил);


- “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (13 июль 2018 йил)

- “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (11 октябрь 2018 йил)


- “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” Президент Фармони (9 январь 2019 йил).

“Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (6 сентябрь 2019 йил)


*Суд-ҳуқуқ тизими қандай янги нормалар билан бойитилди?*



## СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИДАГИ ЭНГ ЮҚОРИ ЁШ



## Судьялар Олий Кенгаши тузилди




### **Вазифалари:**


- Судьяликка номзодларни танлов асосида шакллантириш, касбий тайёргарлик масалалари;
- Одил судловни амалга оширишда ташқи таъсирларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

- ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик;
- судьяларни жавобгарликка тортиш бўйича хулоса бериш.


*Суд тизими соҳасидаги новелла*




## МАЪМУРИЙ СУДЛАР



# ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР



## Ҳарбий суд




Ҳарбий судлар судьялари ҳарбий хизматчи мақомини йўқотди


Бунинг эвазига давлат бюджети маблағлари тежалди

17 та бошқарув ходими штат бирлиги киритилди

## Хабеас корпус институти ривожлантирилди



## Суд мажлиси котиби лавозими ўрнига




Ҳимоя ишончли кафолотланди, яъни адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ташаббуси механизми яратилди, адвокатга далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқи берилди, адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш масалалари такомиллаштирилди.

## Гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати



## Жазо чоралари



## Дастлабки терговнинг энг кўп муддати



1 йил эди



7 ойга  
қисқартирилди

## Айбсизлик презумпцияси Қўшимча тергов бекор бўлди

Олий суд ҳузурида судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тузилди. Ушбу департамент қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) Судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш масалаларини амалга оширади; 2) Судларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар кўриш бўйича чора-тадбирларни кўради; 3) Судьялар ва суд аппаратининг меҳнат шароитини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича таклиф тайёрлайди ва ҳ.к.

Юридик хизмат ходимларига эса раҳбариятга фаолиятида қонун устиворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этиш, низолар вужудга келганда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўриш, давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятларнинг мажбурий тартибда юридик хизматлар томонидан кўриб чиқиш ва ҳ.к. вазифалар юклатилди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсаддир. Ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш,



судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослангилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида муносиб топилган номзодларни камида бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш тизимини жорий этиш зарурлигини, бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида Судьялар олий мактабини ташкил этиш таклиф қилинган эди. Шу билан бирга, 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Мурожаатномада таъкидлаб ўтилган ва Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йилнинг 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилди ҳамда мазкур тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

биринчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

иккинчидан, судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

учинчидан, судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

тўртинчидан, иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

бешинчидан, судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш.

Бу вазифаларни сифатли ва ўз вақтида тўлиқ бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича тайёрлаш жорий этилди. Судьялар олий мактаби магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича судьялик лавозимлари

захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг қабул қилинади. Магистратурага қабул қилинган тингловчилар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод этилади ва уларга судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдоридан стипендия тўланади. Магистратурага тингловчилар грант асосида қабул қилинади ва магистратура тингловчилари асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод этилганда, эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади.

Алоҳида қайд этиш керак, судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади ва унча бўлган даврда судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Шу билан бирга, Судьялар олий мактабида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьялар – касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган икки ойлик курсларда қайта тайёрланади. Шунингдек, судьялар, ва судлар аппарати ходимлари қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини етказишга, касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳамда қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган икки ҳафтадан кам бўлмаган курсларда малака оширади.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабининг устави, тузилмаси ва бошқарув органлари белгиланган. Хусусан, Судьялар олий мактабига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади ва Судьялар олий мактаби директори лавозими бўйича бир

вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади.

Судьялар олий мактабининг мах-сус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси томонидан белгиланган тартибда махсус унвонлар ва мансаб даражалари берилиши белгиланди. Шунингдек, Судьялар олий мактабига ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми сақлаб қолинади ҳамда судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Судьялар олий мактабида ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади. Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, малакали судьяларни тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши жамиятимизда адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигига эришишда судья ва суд ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида тўлиқ, сифатли бажарилишига ҳамда одил судловнинг юқори даражасига эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабр куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида мамлакатимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, қуйидаги устувор вазифаларга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш.

Бу масалани ечимини топиш учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши зиммасига юклатилди.

Иккинчидан, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш масаласи бўлиб, бу масалани ечимини топиш мақсадида профилактика инспекторлари учун 6 ярим мингдан зиёд хизмат уйлари, 1 минг 100 та шахсий уй-жой, 7 мингта шахсий автомобиль берилган. Миллий гвардия ходимлари учун 1 минг 800 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Натижада, 2018 йилда 3 минг 205 та маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмаган. Бу ишларни яхшилаш мақсадида “Маҳалла посбони” лавозими тугатилиб, ўрнига малакали ҳуқуқшунос, масалага қонун нуқтаи назаридан ёндашадиган кадрлар ишга олинадиган бўлди.

Учинчидан, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш мақсадида жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиб, 2019 йил 1 июлга қадар жиноят ва жиноят процессуал кодексларининг янги лойиҳаларини тайёрлаш таъкидлаб ўтилди ва булар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

8. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун. 2016 йил 14 сентябр.

9. Мухаммаджонов О., Мухитдинова Ф. Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқи: қоида ва имтиёзлар. – Тошкент: "Маънавият", 2019.

## **8-мавзу. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш**

Режа:

1. Миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш.

2. Иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш ва хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

3. Таркибий ўзгаришлар моҳияти, манбалари ва хусусиятлари

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгунча фақат хом ашё етказиб беришга ихтисослашган аграр республикадан саноати жадал ривожланаётган, иқтисодий қудрати юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналиши Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади”<sup>17</sup> деган ғояси ҳаётимизга татбиқ этишга қаратилгандир.

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш; таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш; вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш; туризм соҳасини ривожлантириш соҳалари ишлар сирасига киради.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида асосан давлат мулки ҳукмронлик қилиши натижасида улкан имкониятларда фойдалана олмай келингани ва бунинг оқибатида жиддий иқтисодий-ижтимоий номутаносибликлар пайдо бўлгани бугунги кунда кўпчиликка маълум. Хўш энди қандай йўл тутилса мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш мумкин? Бу масалада Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида батафсил кўрсатиб берилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида рақобатбардош иқтисодиётни барпо этиш иқтисодий фаолиятдаги энг муҳим вазифа этиб белгиланган.

Хўш, рақобатбардош иқтисодиёт деганда нимани тушунамиз?

---

<sup>17</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабр

Рақобатбардош иқтисодиёт деганда, мақбул суръатлар ва мутаносиблик билан доимий ўсиб боровчи, аҳоли турмуш даражаси изчил яхшиланиб боришини таъминлайдиган, бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлаб чиқилган хўжалик механизмига эга миллий иқтисодиёт тушунилади. Бунда давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги роли максимал даражада чекланган бўлиб, иқтисодий ресурсларнинг эркин ҳаракатланишига бозор дастаклари – талаб ва таклиф, эркин рақобат ва нарх-наво таъсирида эришилади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг таркибий қисми эканлиги ва жаҳон бозори билан боғлиқдир. Глобал молиявий инқироз жаҳон бозорида шаклланган мувозанатни ҳам бузди. Натижада Ўзбекистон экспорт қиладиган стратегик таварларга бўлган талаб ҳажмини кўпайтирди ва улар нархларининг пасайиб кетишига сабаб бўлди. Бунга табиий газ, рангли металллар, енгил автомобиллар, пахта толаси ва минерал ўғитларни мисол келтириш мумкин. Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инновацион ёндашувларни жонлантириш лозим. Масалан, биринчидан, аграр соҳада босқичма-босқич кластер тизимини жорий қилиш; иккинчидан, қишлоқ хўжалик ходимларнинг илм-фан, иқтисодиёт, менежмент, маркетинг асосларини чуқур билиши; учинчидан, халқаро маркетинг фаолияти бўйича мутахассисларга эга бўлиш, яъни тайёрлаш; тўртинчидан, маркетингни бизнес фалсафаси сифатида тушунадиган юксак илмий ва амалий потенциалга эга бўлган маҳаллий мутахассисларни, хорижий экспертларнинг қимматли маслаҳатларидан воз кечмаган ҳолда, бир мақсад йўлида жипслаштириш.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.



Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар деганимизда, баъзи маҳсулотларни ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тушунамиз. Бунинг учун, биринчидан, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш;

иккинчидан, инвестицион муҳит ва улар учун кафолат яратиш;

учинчидан, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш;

тўртинчидан, умумжаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув ҳамда жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш кабиларни қамраб олади.

Бугун жаҳонда “Ўзбек модели” номи билан тан олинган ўзимизга хос ва мос ривожланиш модели йўлида дадил қадамлар билан бораётганимиз кўлга киритилаётган иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. “Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган И.А.Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз”<sup>18</sup> деб таъкидлади Президент Ш.М.Мирзиёев.

2017 йилда умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган, шу жумладан:

- мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 миллион долларлик 63 та лойиҳа;

- рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 миллион долларлик 6 та лойиҳа;

- кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 миллион долларлик 2та лойиҳа;

- углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 миллион долларлик 6 та лойиҳа;

---

<sup>18</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 5-бет.

- тайёр чарм – пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 миллион долларлик 9 та лойиҳа;

- фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 миллион долларлик 7 та лойиҳа;

- қурилиш моллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 миллион долларлик 29 та лойиҳа;

- тайёр тўқимачилик ва тикув-трикатаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 миллион долларлик 115 та лойиҳа.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар ва устувор йўналишларга асосий эътибор қаратилган:

- таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат и мойли экинларни, шунингдек янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш;

- қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган ҳайвонот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

- фермер хўжаликлар, энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш,

қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжалиklarини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек кадоклаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган, қайта ишловчи янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш.<sup>19</sup>

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йилнинг ўзида пахта экиш майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан қисқарилган экин майдонларининг 8,1 минг гектарига картошка, 27,2 минг гектарига сабзавот, 5,9 минг гектарига интинсив боғ, 2,9 минг гектарига тоқзор, 10,9 минг гектарига озуқа экинлари ва 4 минг гектарига мойли экинларни жойлаштиришни кўзда тутилган.

---

<sup>19</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. 121-122 бетлар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини химоя қилиш ва унинг устуворлик ва янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш учун 2015-2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастури шакллантирилган эди. Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2340-сон Қарори билан тасдиқланган. Ушбу дастурда кўйидагилар назарда тутилган:

- тўла қувват билан ишламаётган 660 тадан кўпроқ давлат корхонасини тугатиш ва очиқ савдо орқали янги хусусий мулкдорлар тасарруфига ўтказиш;

- стратегик аҳамиятга эга бўлмаган 360 та корхонадаги давлат улушини тўлиқ равишда сотиш;

- фойдаланилмаётган 400 тадан ортиқ давлат мулки объектини “ноль” қиймати бўйича сотиш. Бу эса қисқа муддатларда стратегик хорижий инвесторлар ва замонавий технологияларни жалб этиш имконини беради;

- хусусий инвесторларга 450 миллиард сўмлик қўшимча акцияларни фонд бозорида сотиш орқали ишлаб турган 203 та корхонадаги давлат улушини 51 фоизгача қисқартириш.

2019 йил 5 январда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Президент Фармони ва Қарорини ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида туризм соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йил 1 февралдан 45 мамлакат фуқаролари

Ўзбекистонга 30 кунлик муддатга визасиз келиш мумкинлиги жорий қилинди. Ўзбекистон 2019 йилнинг 20 мартдан бошлаб Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун мамлакат ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кун муддатга визасиз тартиб жорий этилди. Бу ҳақдаги тегишли “Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига кириш режимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2019 йил 18 март куни имзолаган. Ушбу фармондан сўнг Ўзбекистонга визасиз кира олиши мумкин бўлган мамлакатлар сони 46 тага етди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудларда аҳолининг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга эришиш, ҳудудий корхоналар фаолиятига замонавий инновацион технологияларни кенг тадбиқ этиш ва булар ҳудудлардаги меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашга эришишга хизмат қилади.

Бизга маълумки, 2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажариш Шавкат Мирзиёев зиммасига юклатилган эди. Президентимиз раҳбарлигида бу қисқа вақтда муҳим қуйидаги ютуқларга эришилди:

1. Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит. Яхши кўшничилик муносабатлари, чегараларнинг очилиши, Марказий Осиё давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқот ўрнатилиши.

2. Давлат чин маънода халқ хизматида бел боғлади. Президент вертуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

3. Оқилона валюта сиёсати. Яъни валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақт пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши, банк секторидаги ислохотлар.

4. Солиқ концепцияси: янгиликлар, имтиёзлар.

5. Ватанпарворлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасурлик, яъни модернизация йўлидаги қуролли кучлардаги ўзгаришлар.

6. Одамларимиз олис келажакда эмас, бугун бахтли яшашга ҳақли. “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари ва эҳтиёжманд оилаларга турар жойлар берилиши.

7. “Tashkent City” – шаҳар ичидаги замонавий шаҳар барпо этилиши.

8. Бу ерда тарих яратилмоқда. Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази – йирик илмий-амалий муассасанинг барпо этилиши.

9. Унитилмас бахт – фуқаролик шарафи. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида илк бор Ўзбекистонда фуқароликка қабул қилинган мамлакат фуқароларига паспортлар бериш йўлга қўйилди.

10. Катта ҳаёт учун яна бир имконият – авф этиш ҳалқимизга ҳос кечиримлилик ва инсонпарварлик намунасини амалга оширилиши.

11. “Меҳр” улашиб. Ш.Мирзиёев ташаббуси билан “Меҳр” номли тадбир амалга оширилди. 2019 йил 30 май куни 156 нафар фуқаро, хусусан, 48 нафар аёл ва 107 нафар бола жангарилар маконидан Ватанимизга қайтарилди. “Меҳр-2” тадбирида эса 64 нафар бола Ироқдан мамлакатимизга қайтарилди.

12. Афғонистонга ёндашиш ўзгарди. Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Афғонистонга муаммо ва таҳдидлар манбаи эмас, балки ноёб стратегик имкониятлар мамлакати сифатида қарала бошланди.

13. Орол дарди – олам дарди. БМТ шофелигида Оролбўйи минтақаси учун махсус фонд ташкил этилди. Президентимиз ташаббуси билан 2018-

2021 йилларда Оролбўйи худудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилиниши.

14. Мўйноқ мўъжизаси. “Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин.” Ш.Мирзиёев.

15. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган тамойилга асосланиб, миллий ғоя, унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаш, ёш авлодни болаликдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

16. Беш муҳим ташаббус. Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

17. Энг улуғ даргоҳ, яъни 11 йиллик мактаб таълимига қайтилиши. Яна бир муҳим қадам Президентимиз томонидан имзоланган 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бўлди.

18. Мактабгача таълимга юксак эътибор қаратилиши.

19. Виза тартибининг бекор қилиниши ва туризм. 2018 йилда 9 мамлакат фуқаролари учун виза режими бекор қилинган бўлса, 2019 йил давомида кўшимча тарзда яна 47 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим татбиқ этилиб, уларнинг умумий сони 65 тага етди. Бу соҳада 60 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

20. Мамлакатимизда биринчи АЭС қурилиши лойиҳасини ишга тушириш. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги (“Ўзатом” агентлиги) ташкил этилди ва ҳакози.<sup>20</sup>

Бу ютуқлар мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. Хўжамуродов И. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. – Тошкент: “Navro`z”, 2018

7. Тўраев Ж. Демографик жараёнлар ва миллий ғоя. – Тошкент: Маънавият, 2008.

---

<sup>20</sup> Халқ сўзи. 2019 йил 7 сентябр.



## **9-мавзу. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳоли даромадлари**

Режа:

1. Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги ислохотлар. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари.
2. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.
3. Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” номли устувор йўналишига аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш; арзон уй-жойлар куриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш; таълим ва фан соҳасини ривожлантириш; ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш соҳаларига мансуб кўплаб ҳаётий зарур масалалар киритилгани ниҳоятда аҳамиятлидир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш ҳам устувор вазифа қилиб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ – 4822-сон “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармониغا асосан 2016 йил 1-октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи ойига 149775 сўм қилиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2

февралдаги “Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сон Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ пенсия тўла нақд пул, 58 та тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотларида пул, стипендия 50 фоиз нақд пул билан тўланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” Фармони 2017 йил 20 ноябрда қабул қилинди ва 1,15 фоиз оширилди. Энг кам иш хақи 172240 сўм қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-5469-сонли Фармони билан 0,7 фоиз оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрда “Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” Фармони бўйича 2018 йил 1 ноябрдан 1,1 баравар оширилди ва энг кам иш хақи 202730 сўм қилиб белгиланди. Ўзбекистон Президенти Фармони билан 2019 йил 1 январдан бошлаб ишлаб турган пенсионерларнинг пенсияси 100 фоиз миқдорда тўланадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июндаги “Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-5765-сонли Фармони билан 2019 йил 1 августдан 1,1 фоиз оширилди.

Президентимиз Республикамизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, 2017 йил Бандликка кўмаклашиш маркази атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган сабабини танқид қилди ва янги иш ўринларини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. 2017 йил 17 январ Фармонига мувофиқ “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон”, “Хозарасп” эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини

ошириш Ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда аҳолининг реал даромадлари 12 баравар ошди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда “Ўзбекистон фархрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони чиқди. “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтарилиши бўлди. Кексалар фаоллигини, турмуш сифатини ошириш, касаллаикларни ўз вақтида аниқлашда катта қадам ташланди.

2016 йил 26 декабрда “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий хожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Кекса ёшдаги аҳоли саломатлигини тиклаш ва уларга сифатли тиббий ижтимоий хизмат кўрсатишни янада самарали ташкил этиш мақсадида 2017 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан жами 49 млрд 312 млн сўм маблағ йўналтириладиган бўлди.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 5 январ, 7 феврал, 12 декабр кунлари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди. 2 минг 500 нафар врач етишмаслиги, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси пастлиги таъкидланди. 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх билан сотилишини ташкил этишга эътибор қаратиш уқтирилди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 78 та туман тиббиёт бирлашмаларини, 7 та шаҳар, 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминланди.

Ҳаракатлар стратегиясида тиббиёт соҳаси, хусусан, бирламчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патранаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизими тубдан ислоҳ этилиб, уларнинг фаолиятини замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаракатлар стратегиясида бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган бўлиб, “Одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси шулар жумласидандир. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси кенгайтирилади ҳамда одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тартиби белгиланади ва бу соҳадаги ишлар янада юқори даражага кўтарилади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий – сиёсий майдондаги фаоллигини янги поғонага кўтариш мақсадида 2004 йили Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунига ўзгаришлар киритиб 30% квота жорий қилинди.

Аёлларнинг 13 нафари “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони, 64 нафарига “Ниҳол” мукофоти берилган бўлса, улар конституциявий суд тизимида 20%, Олий суд соҳасида 14,6%, ишлаб чиқариш тизимида 42,8%, қишлоқ хўжалигида 43%ни, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3% ташкил этади. Хотин-қизлар томонидан 300 дан ортиқ докторлик, 3 мингга яқин номзодлик диссертациялари химоя қилинган.<sup>21</sup> Бу ютуқлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Республикамизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузулмани ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчиқ давонидан ўтадиган, ноёб тоғ тунелини ўз ичига олган

---

<sup>21</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. 181-бет.

Ангрен-Поп темир йўл тармоғи, Тошкент-Ўзгўр-Бойсун-Ўумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкент-Самарқанд-Қарши-Бухоро тезюрар темир йўли қатнови очилди.

2017 йилда аҳолига қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 15 мингта арзон уй-жой қуриладиган бўлди. Арзон уй-жойлар масаласини хал этиш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинди. Унга кўра беш йилда 1 минг 136 та қўп қаватли арзон уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этилади.<sup>22</sup>

Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантириш қисмида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилган. Бу масалада буюк Хитой мутафаккири Конфуций “Агар халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг буғдой экин, ўн йил боқмоқчи бўлсанг мевали дарахт экин, асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, илм экин” деган экан.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга ҳар йили давлат бюджетининг 60% йўналтирилмоқда. Маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиётнинг 16% - моддий техник базага, 20% - ахборот ресурсларига, 64% - инсон омилига боғлиқ экан.

2017-2018 йиллар давомида юртимизда 459 та мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Туризм соҳасини жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра Бухоро давлат университетида туризм факультети очилди.

---

<sup>22</sup> Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 1 сентябр.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва дастур ишлаб чиқилди.

2016 йил Олий таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган 10 дан ортиқ меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, А.Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. ЎЗМУ, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш, Олий таълим тизимини хорижий ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлашга қаратилган фармон, қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда Олий таълим муассасаларининг сони 2019-2020 ўқув йилида 116 тани ташкил этди (21.11.2019 йил ҳолати). Олий ўқув юртларида 260 минг нафардан зиёд талаба 850 дан ортиқ йўналиш ва мутахассисликлар бўйича билим олмоқда. Хусусан, 2019-2020 ўқув йилида республикамиздаги 56 та олий ўқув юртида 21 хорижий мамлакатнинг 103 та олий таълим муассасаси билан қўшма таълим дастурлари асосида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.<sup>23</sup>

Президентимизнинг 2017 йил 17 февралда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. 2017 йил 17 январда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилинди. 2017 йил 16 февралда “Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ фан номзоди ва доктори илмий даража бериш масаласи кўриб чиқилди.

1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 429-ХП-сон Қонуни қабул қилинди. 2016

---

<sup>23</sup> Халқ сўзи. 2019 йил 12 ноябр.

йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 4 боб, 33 моддадан иборат “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2017 йилда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тасдиқланадиган мазкур дастур доирасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ “Ёшлар – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслардир.” Қонуннинг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ёш олимларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш ва “Ёшлар иттифоқи” уйлари, имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилган.

Ўқувчи ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасаларида “Мен севиб ўқиган китоб”, “Энг яхши китоб” танловлари ўтказиш мақсадида 160 млн сўм ажратилди.

Уч босқичли спорт мусобақалари (“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”) йўлга қўйилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланган алоҳида банд (4.5-банд) ўз аксини топди.

Ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида “Биз – Ватанга таянчимиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, хал қилувчи кучимиз - ёшлар” деган шиорлар остида акция ташкил этилди. “Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида таниқли ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, олимлар иштирокида учрашувлар ташкил этилди. “Оила – маҳалла – таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусида ахборот ва методик материаллар тайёрланди. Ватанимиз равнақини таъминлашда ёшларнинг масъулиятини оширишга қаратилган “Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этиш белгилаб берилди.

Ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардан бири экан, ёшларнинг, айниқса талаба ёшлар яхши хордиқ чиқаришлари ва мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида кўп ишлар амалга оширилишига эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ишлардан бири – бу Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида маданий дам олиш марказини ташкил этиш режалаштирилган эди. Бу ишлар амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириб, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни илгари сурди.



Ушбу бешта ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди, булар қуйидагилар:

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар ва хотин – қизлар бандлигини ошириш масаласи бундан буён ҳам ҳар биримизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017.

7. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 1 сентябр.

8. Саидов А. ва бошқалар. Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари. – Тошкент: 2018.

9. Хасанов Р. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2019.

## **10-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда инвестиция ва ташқи сиёсат**

Режа:

1. Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг шарт-шароитлари. Турли мамлакатлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг кучайиб бориши.

2. Ўзбекистоннинг яқин қўшни мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг кучайиши.

3. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ташқи сиёсат масалалари.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувиغا замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилди.

**Фаол тадбиркор** бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

**Фаол тадбиркорлик** деганда, биз рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришга қодир, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз

Қабул қилинган 2018 йилги давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм, 1 миллиард АҚШ долларига тенг 78 мингта лойиҳа амалга оширилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

“Ҳар бир оила тадбиркор” ва “Ёшлар - келажагимиз” дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури ижросини таъминлаш учун 2018 йилнинг ўзида 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида 100 мингдан ортиқ ёшларимиз бандлиги таъминланди. Янги ўқув йўналишларини очиш ва қабул квоталарини ошириш ҳисобига олий таълим имкониятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ доллариға тенг инвестициявий келишувларға эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 456 та лойиҳа амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ доллариға тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи давлат дастури қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. 2019 йил 1 мартдан бошлаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг иштирокчилари ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилни ташкил қиладиган “инвестиция визаси” жорий этилди.

### **Инвестиция ўзи нима?**

Инвестиция бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда  
иқтисодиётнинг юрагидир

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Саудия тараққиёт фонди, Хитой Энсимбанки, Корея Энсимбанки, Япониянинг молия ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига 3,1 миллиард АҚШ долларлик 18 та кредит ажратилди. Жаҳон банки тизимида Ўзбекистон Республикаси лойиҳа портфели ҳажми жиҳатидан Европа ва Марказий Осиёдаги биринчи бешта мамлакат қаторига кирди.<sup>24</sup>

“Инвестициялар ва инвестициялар фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унда инвестиция жараёнини сезиларли даражада осонлаштириш, инвестициявий хавфсизликни аниқ кафолатларини аниқлашга доир нормалар киритилган.

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш мақсадида чоратадбирлар кўрилганлиги натижасида кўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар яхши йўлга қўйилди. Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

2017 йилда ташқи сиёсат соҳасида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиб, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларида ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини оширишга 4,5 триллион сўм ажратилди.

Давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговор қудратини ва салоҳиятини ошириш, қуролли кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш учун мудофаа саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат

---

<sup>24</sup> Насриев Н. Инвестиция –иқтисодиёт драйвери. “Ўзбекистон овози”, 2019 йил 26 феврал.

дастурини қабул қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари миллий гвардия барпо этилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан дин соҳасида қуйидаги марказлар, мактаблар очилди:

1. Самарқандда Имом Бухорий мажмуаси қошида Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Ушбу марказ фаолиятида миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотга кўмаклашади.

2. Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Бу билан “Жаҳолатга қарши - маърифат” шиори остида кураш олиб боришга имконият яратилди.

3. Имом Бухорий илмий-тадқиқот марказида Хадисшунослик мактаби.

4. Самарқандда Имом Мотуридий маркази қошида Калом илми мактаби.

5. Фарғонада Марғиноний марказида Ислом ҳуқуқи мактаби.

6. Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд марказида Тасаввуф мактаби.

7. Қашқадарёда Абу Муин Насафий марказида Ақида илми мактаби.

8. Тошкент шаҳрида Ислом Халқаро академияси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси Ислом динининг ҳақиқий кадриятларини кенг тушунтиришга кўмаклашади.

1. 2017 йил 28 июлда “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” Президент Қарори;

2. 2018 йил 16 апрелда “Диний – маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони (“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси илгари сурилган);

3. 2019 йил 9 январда “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” Президент Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “Шахс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкилот-жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони чиқди. Ушбу фармон асосида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси тузилди. Бундан ташқари,

1992 йил 13 январда Република байналминал маркази ташкил этилди.

Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий–маърифий алоқалар жамияти кенгаши, 138 миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ер юзида 1600, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда, 34 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда республика аҳолисининг 90% кўпроғи мусулмонлар, 4% га яқини православлар, қолганларини бошқа конфессиялар вакиллари ташкил этади

Ўзбекистонда 16 конфессияга мансуб 2225 та диний ташкилот, жумладан, 2038 масжид рўйхатдан ўтган. 1991 йилда 146 та бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмида этнохудудий ва этнодемографик заминда 300 дан ортиқ диний ташкилотлар қайд қилинган.

1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилотлар (ЮНЕСКО) бош конфедерациясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик (чидамлилиқ, бардошлилик, тоқатлилиқ) тамойиллари деклорацияси” қабул қилинди. Диклорацияда ирки, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъий назар, бағрикенгликни тарғиб этиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

Маълумотларга кўра юз йил аввал мамлакатимиз худудида 70 яқин, 1926 йил 90 миллат ва элат, 1959 йил 113 та, 1979 йил 123 та, 1989 йил 130 га яқин ва ҳозирги кунда, 140 га яқин миллат вакиллари яшашмоқда. Дунёда шундай давлатлар ҳам борки, 2 та миллат вакиллари яшайдиган. Жумладан, Белгия: валланлар, фламандлар, Гватемала: гваметаллар, хиндулар, Исроил:

яхудийлар, паластенликлар, Маракко: араблар, берберлар, Норвегия: норвежлар, саамлар. Юқоридаги фикрлар кўрсатадики, мамлакатимизда диний бағрикенглик масаласи тўғри йўлга қўйилган.

Диний бағрикенглик нима? Диний бағрикенглик (толерантлик) – хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатади.

Хозирги кунда бу эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутди. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият қуришнинг муҳим шартидир.

“Республикамизда 10 мингга яқин мактаб фаолият юритаётган бўлса, шундан 845 та мактабда рус тилида, 491 та мактабда қозоқ тилида, 259 та мактабда тожик тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 мактабда қирғиз тилида, 7 та мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

8 тилда, яъни ўзбек, қорақолпоқ, рус, қозоқ, тожик, туркман, инглиз, корейс тилларида газета ва журналлар чоп этилади.

12 тилда – ўзбек, қорақолпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, озарбайжон, рус, татар, бошқирд, корейс, уйғур тилларида телерадио эшиттиришлар олиб борилмоқда.”<sup>25</sup>

Ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, насронийлик каби динлар мавжуд бўлган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизм ҳам муҳим ўрин тутган. Хатто Бухоро шаҳрининг номи “Вахара” – буддавийлар ибодатхонаси номидан келиб чиққан, деган фикрлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига

---

<sup>25</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. 2017 йил, 212 б.



этикод қилиши ёки ҳеч қайси динга этикод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.” – деб таъкидланган.

Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этикоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”, деб ёзиб қўйилган.

61-моддада “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажралган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, Ўзбекистонда ҳар қандай дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажралган ва барча диний конфессиялар қонун олдида баробардир. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди ҳамда улар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади.

1991 йил “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилинди ва 1998 йил 1 майда ушбу қонуннинг қўшимчалар киритилган янги таҳрири эълон қилинди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Хаж амаллари тўғри йўлга қўйилди. Хатто бошқа дин вакилларига, жумладан, православлар учун Исроил, Греция, Россия, католиклар учун Исроил ва Италия, арманлар учун Исроил ва Арманистон, яхудий ва бахоийлар учун Исроил, кришначилар учун Хиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашган муқаддас жойларга зиёратлар ташкил қилинмоқда.

Таълим, фан, маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ИСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрини “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди.

2007 йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси”, 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта аср Шарқ алломалари ва

мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзуларида халқаро конференция ўтказилди ва диний бағрикенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Республикаимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, янада огоҳ, сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

“Бағрикенглик” лотинча “tolerave”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатади. “Толерантлик” сўзи бор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъий назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади.

Диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилиқ жамияти равнақи йўлида хизмат қилишни англатади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мастаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

Диний бағрикенглик масаласига кўшни давлатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қозғистондаги конфессиялар ичида мусулмонлар 47%, православлар 44%, протестантлар 2% ва бошқа конфессияларга эътиқод қилувчилар 7% ташкил этади. Қирғизистонда мусулмонлар 75%, православлар 20%, қолганлар 5%. Тожикистонда мусулмонлар 85%, қолганлар 15%. Туркманистонда мусулмонлар 89%, православлар 9%, қолганлар 2%. Ўзбекистонда мусулмонлар 94%, православлар 4%, қолганлар 2% ташкил этади. Қозғистонда 130 дан зиёд миллат истиқомат қилади, уларнинг 48% қозоқ, 34% руслардир. Қозоқлар асосан суннийлар бўлиб, улар 679 диний ташкилотларга, руслар асосан православлар бўлиб 185 та диний уюшмаларга бирлашган. Мазкур 2 конфессия аҳолининг 57%ни ташкил этади. Манбаларга кўра 2000 йилларда Қозғистонда конфессиялар сони 50, диний ташкилотлар сони 1700 га етган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ишлаб чиқиш;

“Маърифат ва диний бағрикенглик” – махсус резолюцияси қабул қилиш;

“Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади”

“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳам вазифа, деб ҳисоблаймиз”.

“Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб авайлашга даъват этади”.

“Ислом дини – бу террорчилик ва экстремизм дини эмас, бағрикенглик дини эканини айнан ана шундай боболаримиз (ал-Бухорий ...) меросини ўқиб-ўрганиб англаб етиш, ҳақиқий маърифат билан жаҳолат дунёсини ёритиш – мана бизнинг мақсадимиз.”<sup>26</sup> – деб уқтирди.

Шу муносабат билан ҳар биримиз, халқимиз, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ўзбекистонда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик масаласида амалга оширилаётган ишларга хорижий давлатларда ҳам қизиқиш билан қаралмоқда.

2018 йил июл ойида Италиянинг Удине шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотлари (ЕХХТ)нинг камсонли миллатлар бўйича Олий комиссари Ламберто Заньер томонидан чет эллардаги озчиликни ташкил қилувчи элатлар ва қардош этник гуруҳлар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини химоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Бу

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

анжуманда Ламберто Заньернинг таклифига биноан илк бор Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди. Унинг сўзларига кўра, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган миллатлараро муносабатларни ҳам қамраб олаётган чуқур ислохотлар туфайли шундай қарорга келинди. Президентимизнинг хориждаги ўзбек диаспараси билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукуматининг Марказий Осиёдаги кўшни мамлакатларда истиқомат қилаётган этник ўзбекларга эътибор қаратаётгани ЕХХТнинг кўпгина давлатларида кучли қизиқиш уйғотган. Уларнинг фикрига кўра кейинги йилларда турли давлатларда озчиликни ташкил қилувчи элатлар бир ёқлама миллатчилик ва геосиёсий рақобат қурбонларига айланиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси эътиборга молик. Ўзбекистонда 130 зиёд миллат ҳамда элат вакиллари ўзаро бирдамликда ҳаёт кечирмоқда. Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қилувчи юртимизда 16 та диний конфессиянинг 2,2 мингдан ортиқ ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида мамлакатимиз олиб бораётган сиёсати бир қанча объектив сабабларга кўра, минтақавий ҳамкорликни кўпайтиришда алоҳида роль ўйнайди. Биринчидан, Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон минтақа давлатлари, шу жумладан Афғонистон билан ҳам чегарадош. Иккинчидан, бу ерда барча кўшни давлатдаги миллат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилади. Учинчидан, этник ўзбеклар Марказий Осиё мамлакатлари кўп миллатли аҳолисининг ажралмас қисми саналади. Президент Ш.Мирзиёевнинг янгича минтақавий сиёсати Марказий Осиёдаги миллатлараро муносабатлар муҳитини сезиларли равишда ўзгартирди. Чегараолди ҳудудларда миллатларо тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашни рағбатлантириш амалиёти кўшни давлатларнинг туб манфаатларига мос келади. Икки томонлама келишувлар асосида ўзбек-қирғиз ва ўзбек-тожик чегараларида ўнлаб ўтказиш пунктлари очилди. Булар Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг чегара

худудларидаги ҳаётни енгиллаштирди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида яшовчи этник ўзбеклар учун мактаб қуриб берилди. Тожикистон Самарқандда тожик тилида таълим берувчи мактаб қурмоқчи эканлигини билдирди. Марказий Осиё мамлакатлари тарихида биринчи мартаба Хоразм вилоятида “Ўзбек-туркман” дўстлик уйи очилди. У ерда туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг асарлари жамланган кутубхона, музей, турли фан ва санъат йўналишлари бўйича тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон миллатларо муносабатлар борасида узоқ муддатга мўлжалланган тизимли сиёсат олиб бормоқда.

Агар мамлакатимизнинг кўпмиллатлилиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин:

- 1897 йилда республикамизнинг ҳудудида 70 миллат вакили яшаган. 1927 йилга келиб, 90 миллат ва элат вакили истиқомат қилган. 1989 йилда 113 миллат вакили рўйхатга олинган. Бугун эса 136 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бор.

- Шундан 25 миллиондан ортиқ (81,8%) киши ўзбеклар. 6 миллионга яқин (18,9) киши бошқа миллатлар вакиллари. Улардан:

тожиклар – 1,5 миллионга яқин (4,7%), руслар – 1 миллионга яқин (3,3%), қозоқлар – 900 минг атрофида (3,1%), қорақолпоқлар – 800 мингдан кўпроқ (2,1%), татарлар – 250 мингга яқин (0,9%), қирғизлар – 250 минг (0,9%), корейслар – 150 минг атрофида (0,5%), туркманлар – 165 мингдан кўпроқ (0,6%), украинлар – 87 минг, озарбайжонлар – 43 минг, арманлар – 40 минг, белоруслар – 21,5 минг, яхудийлар – 11 минг, молдованлар – 5,5 минг, немислар – 5 мингдан ортиқроқдирлар.<sup>27</sup>

Ўзбекистон раҳбарияти аҳолининг кўпмиллатлилигини ҳисобга олиб, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллатларо тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз миллий сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон

---

<sup>27</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табриги. // Халқ сўзи, 2007. 20 январ.

Республикаси Конституциясида баён этилган бўлиб, у қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади;

- Миллатидан қатъи назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

- Давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликларни ҳисобга олиш;

- Миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик;

- Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш;

- Республикада ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти тақиқланган.

Республикада ҳозирги пайтда қатор миллатлар вакиллари томонидан тузилган 140 дан ортиқ миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда. 14 МММ Республика мақомига эга. 31 корейслар, 23 руслар, 10 тожиклар, 9 қозоқлар, 9 татарлар (3 та татар-башқирт МММлари) тузилган. Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та, украинлар ва қирғизларда 6, туркларда ва Европа яҳудийларида 5 тадан МММ бор. Немислар, поляклар ва арманлар 4тадан, уйғурлар ва Бухоро яҳудийлари 3 тадан, беларуслар ва крим татарлар 2тадан, араблар, болгарлар, бошқиртлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақолпоқлар, хитойлар ва дунганларнинг 1 тадан МММ фаолият олиб боради.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликнинг такомиллашувига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган маданий марказлардан бири – бу “Ориёно” тожик миллий маданий марказидир. Бу марказ Тошкентда 1990 йил 8 июнда ташкил этилган. Марказ мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллатлараро барқарорлик йўлида жуда кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Марказнинг биринчи раиси таниқли журналист, тилчи олим Муҳсин Умаров

(1990-1992 й), иккинчи раис, фаоллар жамоат ва давлат арбоби, олим С.Қурбонов (1992-1994 й), 1994 йилдан бошлаб эса уни Г.Набиев бошқармоқда.

“Ориёно” миллий маркази ҳар йили Халқлар Дўстлиги майдонида Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни байрамларида фаол иштирок этмоқда. Тожик халқ санъати усталари М.Муҳамедов, Ш.Тошматов, Н.Пирматова, Х.Шеров, Б.Давранов ва бошқаларнинг исмлари барчамизга яхши таниш. Мазказ ўзбек, рус ва тожик тилларида китоблар нашр этиб келади.<sup>28</sup>

АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбэк 2018 йил 17-18 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Бош прокуратура, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари ва бошқа ташкилотларда учрашувлар ўтказди.

“Диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси” мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этди. Бу суҳбатда диний эркинлик АҚШ иқтисодиётига ҳар йили 1,2 триллион АҚШ доллари келтирмоқда. Бу Америкадаги энг йирик олтита нефть-газ компаниясининг бир йиллик даромадидан 50 фоиз ортиқдир.

Биз сафар чоғида Ўзбекистонда мусулмонлар ўз динига эмин-эркин эътиқод қилишидан бохабар бўлдик. Диний маросимларни ўтказиш учун кўшимча шароитлар яратилмоқда. Экстремистик гуруҳларнинг минглаб иштирокчилари бўлган фуқароларнинг “қора рўйхати”дан чиқарилиши, уларнинг нормал ҳаётга қайтарилиши ҳам диққатга сазовор, деб айтди.

АҚШ глобал ҳамкорлик институти фахрий президенти Крис Сайпл таъкидлайдики, Виждон эркинлиги – барчага дахлдор қадрият. У инсон ҳуқуқларининг асосларидан бири саналади. Радикаллашув ва зўравонликлар ана шу ҳуқуқ бузилган жойларда юзага чиқади.

---

<sup>28</sup> Қаранг: РБМММ жорий архиви. “Ориёно” тожик миллий-маданий марказининг 2013-2014 йиллардаги ҳисоботидан.

Президент Ш.Мирзиёевнинг ислом маърифати ғоясини илгари суриш бўйича ташаббуслари бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳага, жамиятда бирдамлик, ўзаро хурмат, дўстлик, тинчлик ва тотувлик, ижтимоий маънавий ҳолат барқарорлигини таъминлашга комплекс киришилган. Бу моделни келгусида бошқа давлатларда ҳам тадбиқ этиш мумкин, деб таъкидлайди.

Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро мафаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида кўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё худудида савдо – иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ доллардан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди. Мамлакатимиз мудофаа қобилятини оширишга 4,5 триллион сўм ажратилди.

2019 йил 29 ноябр куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилган. Масалан, 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 389 миллион АҚШ долларидадан ошган бўлса, 2019 йилнинг январ-октябр ойларида бу кўрсаткич қарийб, 30 фоиз ўсиб, 408 миллион АҚШ долларига етган.<sup>29</sup>

2018 йил 26-27 март кунлари бўлиб ўтган Афғонистон бўйича Тошкент конференциясида Президент Ш.Мирзиёев ўз маърузасида қуйидаги асосий мақсад ва вазифаларни қайд этди:

---

<sup>29</sup> Халқ сўзи. 2019 йил 30 ноябр.



1. Афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро мурасага эришиш;

2. Афғонистон ҳукумати ва қуролли муҳолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш;

3. Афғонистондаги миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш;

4. Қуролли муҳолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги таъминланган, шунингдек, ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18 мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзига қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гурҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёдига иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга амалий ёрдам кўрсатилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ҳеч шубҳасиз, узоқни кўзлаган, аниқ мақсадларга таянган тараққиёт дастуридир.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

7. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

8. Фитрат Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000.

9. Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт-саодат ва комолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

11. Арапбаева Д. Шахс миллий ғурурини шакллантиришда фольклор санъатининг роли. – Тошкент: “Nishon-Noshir” нашриёти, 2012.

12. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2013.

13. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2013.

14. Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини. – Тошкент: Истиклол нури, 2016.

15. Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. – Тошкент: “ТА`ЛИМ НАШРИЙОҒИ”, 2018.

## ТЕСТЛАР

1. «Обод қишлоқ» дастури қанча туман, қишлоқ ва овул маҳалла фуқаролар йиғинларини қамраб олган?

- A) 174 та тумандаги 368 маҳаллани\*
- B) 156 та тумандаги 240 маҳаллани
- C) 180 та тумандаги 564 маҳаллани
- D) 85 та тумандаги 340 маҳаллани

2. «Обод қишлоқ» дастурини амалга оширишга қанча маблағ ажратилган?

- A) 2 500,0 миллиард сўм
- B) 3 040,8 миллиард сўм\*
- C) 1 856,5 миллиард сўм
- D) 4 052,3 миллиард сўм

3. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида асосий турдаги маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қандай имтиёзлари берилган?

- A) барча солиқ ва тўловлардан озод этилган
- B) фойда солиғидан озод этилган
- C) газ ва электр энергияси аҳоли учун белгиланган нархларда етказиб берилади\*

D) Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми ставкасида имтиёзли кредит билан таъминланади

4. «Обод маҳалла» дастури қанча маҳалла ва хонадонларни қамраб олган?

- A) 200 та маҳалладаги 185 300 хонадонни
- B) 150 та маҳалладаги 220 234 хонадонни
- C) 185 та маҳалладаги 250 320 хонадонни
- D) 220 та маҳалладаги 275 526 хонадонни\*

5. «Обод маҳалла» дастурини амалга оширишга қанча маблағ ажратилган?

- A) 3 054,3 миллиард сўм\*
- B) 3 080,2 миллиард сўм
- C) 2 954,5 миллиард сўм
- D) 4 100,0 миллиард сўм

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йилга қандай ном бериш таклиф этилди?

- A) Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили
- B) Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили\*
- C) Фаол тадбиркорлик, инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили
- D) Фаол инвестициялар ва ижтимоий фаровонлик йили

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузасида инвестицияларга қандай баҳо берди?

- A) Инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги
- B) Инвестиция – бу иқтисодиёт таянчи ва ривожланишининг бош омили
- C) Инвестиция – бу иқтисодий ислохотларни молиялаштириш манбаси
- D) Инвестиция – бу иқтисодиётда амалга оширилаётган лойиҳалар ва дастурларни молиялаштириш асоси

8. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2018 йилда нечта давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди?

- A) 25 та
- B) 15 та
- C) 18 та
- D) 21 та

9. 2018 йилда амалга оширилган давлатлараро расмий ташрифлар натижасида нечта лойиҳа бўйича келишувларга эришилди?

- A) 1 минг 80 та
- B) 1 минг 180 та
- C) 2 минг 80 та
- D) 2 минг 280 та

10. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати қанча бўлган нечта лойиҳа амалга оширилмоқда?

- A) 25 миллиард АҚШ долларидек 1456 та лойиҳа
- B) 23 миллиард АҚШ долларидек 456 та лойиҳа
- C) 13 миллиард АҚШ долларидек 156 та лойиҳа
- D) 53 миллиард АҚШ долларидек 1456 та лойиҳа

11. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика шаҳарлари аҳолисининг неча фоизи аҳолисининг сони 20 минг кишигача бўлган шаҳарларда яшайди?

- A) 37,5 фоизи\*
- B) 24 0 фоизи
- C) 18 фоизи
- D) 85 фоизи

12. 2019 йили қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қурилиши бўйича қанча маблағ ажратилган?

- A) 294,8 миллиард сўм\*
- B) 3 04 миллиард сўм
- C) 1 85 миллиард сўм
- D) 4 05 миллиард сўм

13. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг неча фоизи шаҳарларда яшайди?

- A) 50,6 фоизи \*
- B) 24 0 фоизи
- C) 18 фоизи

D) 85 фоизи

14. Мамлакатимиз аҳолисининг урбанизация даражасини 2030 йилга кадар неча фоизга етказиш мўлжалланган?

A) 60 фоизга етказиш\*

B) 55 фоизга етказиш

C) 65 фоизга етказиш

D) 70 фоизга етказиш

15. Ўзбекистонда шаҳар ва шаҳарчаларда доимий аҳоли сони 2011–2018 йилларда неча фоизга ўсишга эришган?

A) 111 фоизга\*

B) 120 фоизга

C) 115 фоизга

D) 125 фоизга

16. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадбирларига нималар киради?

A) Суғориш ва коллектор тизимларини ишчи ҳолатда ушлаш, суғориладиган майдонларни текислаш, сувнинг ҳисоб-китобини юритиш, суғоришнинг сув тежамкор илғор замонавий техника ва технологияларини қўллаш\*

B) Ҳар бир тизим учун сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ерларни контурлар бўйича суғориш, сувнинг қатъий ҳисоб - китобини жорий қилиш, узун эгатлардан суғориш

C) Суғориладиган майдонларни текислаш, қияликларда террасалар ҳосил қилиб суғориш; кўп сув талаб қилувчи экинларни тунги суғориш

D) Томчилатиб суғориш тизимларини қўллаш.

17. Республикада мавжуд сув ресурсларини бошқариш қандай тамойилга асосан амалга оширилади?

A) Маъмурий-худудий тамойил

B) Гидрографик-хавзавий тамойил\*

C) Географик тамойил

D) Тенгҳуқуқлилик тамойили

18. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини оширишни кўзда тутадиган замонавий технологияларга асосланган ердан фойдаланиш усули?

A) кластер усули\*

B) кооперация усули

C) ердан биргаликда фойдаланиш усули

D) ерга эгалик ҳуқуқини жорий этиш

19. Ўзбекистонда сув соҳасидаги мавжуд мураккабликлар ва хавфлар нималардан иборат?

A) Иқлимнинг ўзгариши, сув-ер захираларининг дегредацияси, экотизимларнинг бузилиши, демографик босим, трансчегаравий сув муаммолари

B) Сув ресурсларининг танқислиги, сифатининг ёмонлашиб бориши ҳамда турли ўзаро тафовутлашувчи сувга бўлган талабларнинг ўсиб бориши шароитларида минтақада умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни бошқариш масалаларининг тобора мураккаблашиб бориши

C) Айрим мамлакатлар ўз тараққиёт дастурларида йирик гидроэнергетик лойиҳаларга асосланаётганлиги ва бундай қарорларнинг минтақа экологияси, иқтисоди ва хавфсизлигига таъсири

D) Ажратилган лимитга мувофиқ сувдан белгиланган мақсадларда фойдаламаслик, экин майдонларидан ва суғориш тармоқларидан сувни беҳуда ташлаб юборишга йўл қўйиш

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосий мақсади нима деб кўрсатилди?

A) Қишлоқ хўжалиги тармоғини рақобатбардош тармоққа айлантириш

B) Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш



С) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий этиш

Д) иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир\*

21. Ўзбекистонда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ўтган даврда 9–10 фоиз эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чоратadbирлар туфайли бу кўрсаткич неча фоизга ошди?

А) 15 фоиздан ошди

В) 12 фоиздан ошди

С) 8 фоиздан ошди

Д) 4 фоиздан ошди

22. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг неча фоизини хотин-қизлар ташкил этади?

А) 50 фоизини

В) 60 фоизини

С) 40 фоизини

Д) 44 фоизини

22. Ёшларни тарбиялашдан кўзда тутилган асосий мақсад нима?

А) Ёшларнинг келажаги ҳақида қайғуриш

В) Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш

С) Ёшларни ҳар томонлама билимли қилиш

Д) Ёшларни жамиятимизнинг фаол кучига айлантириш

23. Ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва қоидалари қайси ҳужжатда ўз аксини топган?

А) «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда

В) «Ёшлар йили» Давлат дастурида

С) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида

D) «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида

24. «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Президент фармони қачон қабул қилинди?

- A) 2018 йил 25 сентябрда
- B) 2016 йил 4 октябрда
- C) 2017 йил 7 февралда
- D) 2018 йил 28 декабрда

25. Туризм индустрияси ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий омиллар таркибига нималар киради?

- A) туристик бизнес субъектларига солиқ юки; валюта курси; инфляция даражаси
- B) аҳоли сонининг ўсиши; меҳнат ресурслари бандлиги; ишсизлик даражаси
- C) таълим тизимининг молиялаштирилиши; давлат бюджети профицити; ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши
- D) иқлим ўзгаришлари; табиий офатлар; экологик барқарорлик

26. Туристик хизматлар маркетинги деганда нима тушунилади?

- A) туристик хизматларга талабни шакллантириш ҳамда туристик хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадни оширишга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар мажмуи
- B) туристик бизнес субъекти бошқарув тузилмасини самарали ташкил этишга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар
- C) туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш асосида ижтимоий самарадорликка эришиш йўл-йўриқлари
- D) туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини лойиҳалаштириш билан боғлиқ ижтимоийиқтисодий муносабатлар тизими

27. Туристик маҳсулот таркибий унсурлари ҳисобланувчи асосий хизматларни сананг.

- A) транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия

В) кутиб олиш, кузатиб қўйиш, ҳордиқ чиқариш

С) экскурсия, овқатлантириш, консультация

Д) сотиш, ҳисоб-китоб, экскурсия

28. Ўзбекистонда туризмни қайси йўналишларда жадал ривожлантириш истиқболли ҳисобланади?

А) экологик; гастрономик; соғломлаштириш; агротуризм йўналишларида

В) тарихий-маданий туризм; сафари; пляж йўналишларида

С) кўнгилочар; саргузаштли туризм; филларда сайр йўналишларида

Д) гастрономик; экстремал туризм; пляж йўналишларида

29. «Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак» деган фикр Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қайси асари ёки маърузасида келтирилган?

А) «Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» рисоласида

В) «Олий Мажлисга Мурожаатномаси»да\*

С) «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида

Д) «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» рисоласида

30. Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастури нечанчи йилгача ишлаб чиқилиши баён этилган?

А) 2030 йилгача\*

В) 2021 йилгача

С) 2023 йилгача

Д) 2020 йилгача

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

12. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
14. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
15. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи (Илмий-ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашув). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
19. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўли хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015.
20. Норқулов Д.Т. “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг ўқув-услубий мажмуаси. 2018
21. Хужамуродов И.Р. Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси (Магистрлар учун ўқув қўлланма). – Тошкент: “Navro`z” нашриёти, 2018. 149 б.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>6-7</b>
1-мавзу: “Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	8-15
2-Мавзу: Иқтисодий ривожланишнинг назарий асослари	15-27
3-мавзу. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси	28-43
4- мавзу: Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт босқичлари	43-60
5-мавзу. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши	60-69
6-мавзу. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш иқтисодий тараққиётнинг омили сифатида	69-80
7-мавзу. Қонун устуворлигини таъминлаш иқтисодий тараққиётнинг омили сифатида	80-94
8-мавзу. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш	94-104
9-мавзу. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳоли даромадлари	105-114
10-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда инвестиция ва ташқи сиёсат	114-131
<b>ТЕСТЛАР</b>	<b>132-139</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>140-141</b>

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>ВВЕДЕНИЕ</b> .....	6-7
1-Тема: Предмет, цели и задачи дисциплины «Стратегия социально-экономического развития Узбекистана».....	8-15
2- Тема: Теоретические основы экономического развития.....	15-27
3-Тема: Концепция социально-экономического развития Узбекистана.....	28-43
4-Тема: Этапы экономического развития Узбекистана.....	43-60
5-Тема: Разработка стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.....	60-69
6-Тема: Совершенствование государственного и общественного строительства как фактор экономического развития.....	69-80
7-Тема: Обеспечение верховенства закона как фактор экономического развития.....	80-94
8-Тема: Дальнейшее развитие и либерализация экономики.....	94-104
9-Тема: Развитие социальной сферы и доходы населения.....	105-114
10-Тема: Инвестиции и внешняя политика в обеспечении социально-экономического развития.....	114-131
<b>ТЕСТЫ</b> .....	132-139
<b>СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ</b> .....	140-141

## CONTENT

<b>INTRODUCTION</b> .....	6-7
1-Topic: The subject, goals and objectives of the discipline "Strategy of socio-economic development of Uzbekistan" .....	8-15
2- Topic: Theoretical basics of Economic Development.....	15-27
3-Topic: The concept of socio-economic development of Uzbekistan.....	28-43
4-Topic: Stages of economic development of Uzbekistan.....	43-60
5-Topic: Development of a strategy for further development of the Republic of Uzbekistan.....	60-69
6-Topic: Improvement of the state and social construction as a factor of economic development.....	69-80
7-Topic: Ensuring the rule of law as a factor in economic development.....	80-94
8-Topic: Further development and liberalization of the economy.....	94-104
9-Topic: Social development and incomes.....	105-114
10-Topic: Investments and foreign policy in ensuring socio-economic development.....	114-131
<b>TESTS</b> .....	132-139
<b>LIST OF REFERENCES</b> .....	140-141